

Tilda

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар, мухтарам фахрийлар!
Бугунги шонли байрам – 9 май – Хотира ва қадр-лаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюқ ғалабанинг 79 йиллиги муносабати билан мўтабар фахрийларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни билдираман.

Ушбу кутлуғ кунда инсоният тарихидаги энг даҳшатли урушда жасорат кўрсатиб, башариятни фашизм балосидан сақлаб қолган қахрамон ота-болаларимиз ҳамда фронт ортида мардона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшган мард ва олижаноб юртдошларимиз хотирасига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтирамиз.

Жанг майдонларидан омон қайтиб, мамлакатимиз равнақи йўлида фидокорона хизмат қилган, бугунги кунда эзгу дуолари билан ҳаётимизнинг файзу фаршаси бўлиб келаётган қадрли уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз ташаккуримизни изҳор этамиз.

Айни вақтда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилиш ҳамда ўз хизмат бурчини адо этиш йўлида ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасини миннатдорлик билан эсга оламиз.

Қадрли дўстлар!
Бугун барча шаҳар ва қишлоқларимизда ўтказилган тадбирларда бу муҳим уруш эл-юртимиз учун қандай мислсиз талафот ва мусибатлар олиб келганини яна бир бор ёдга олишимиз табиийдир. Ўша оғир йилларда фронтга сафарбар этилган **1 миллион 950 мингдан** зиёд ўзбекистонлик жангчилардан **538 мингдан** кўпроғи ҳалок бўлгани, **158 мингдан** ортиғи бедарак йўқолгани, **870 мингдан** ошиғи турли жараҳатлар олгани, **60 минг** нафардан зиёди эса ногирон бўлиб қайтгани бу ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини яққол кўрсатиб турибди. Ана шу қирғинбарот уруш халқимиз қалбида қолдирган битмас жараҳатни, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон унутиб бўлмайди.

Уруш даврида **214 минг** аскар ва офицерларимиз жанговар ордан ва медаллар билан тақдирлангани, уларнинг **301 нафари** Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига, **70 нафари** учала даражадаги “Слава”

(“Шухрат”) орденига сазовор бўлгани биз учун, ҳеч шубҳасиз, буюқ ғалабанинг энг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Метин иродали халқимиз ўша таҳликали йилларда фронт ортида сабот ва матонат билан меҳнат қилди. Саноат корхоналарининг фаолияти фронт эҳтиёжлари учун йўналтирилди. Уруш алангаси ичида қолган ҳудудлардан мамлакатимизга **170 дан** ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди ва қисқа муддатда уларнинг фаолияти қайта тикланди. Эл-юртимиз фронт учун жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар етказиб берди.

Ўзбекистон аҳолиси 1941-1943 йилларда мудо-фаа фондига **475 миллион** рубдан ортиқ маблағни, **22 миллион** рубллик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий равишда топширгани ғалабани яқинлаштиришга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Халқимиз юксак одамийлик фазилатини намоян этиб, уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган **1 миллион 500 мингга** яқин инсонга бошпана берди. Ота-онасидан жудо бўлган **250 минг** нафар етим болаларга меҳр-оқибат кўрсатиб, сўнгги бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.

Азиз ватандошлар!
Азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида халқимиз жасоратининг тимсоли сифатида бунёд қилинган мухташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси қисқа вақт ичида кутлуғ қадамжого айланди.

Шу кунгача бу ерга **2 миллион 200 минг** нафардан зиёд зиёратчи ташриф буюриб, уни катта қизиқиш ва эътибор билан томоша қилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Маъмуа жамоаси томонидан **элликка яқин** китоб-альбом ва монографиялар, ноёб ҳужжатлар тўпламлари яратилиб, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди.

“Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган **2 миллион нафарга** яқин ватандошларимиз рўйхати шакллантирилди. Юртдошларимиздан келиб тушган **300 дан** зиёд мурожаатлар бўйича урушда бедарак кетган **200 нафар** жангчининг тақдирига оид муҳим маълумотлар тўпланди.

Мухтарам дўстлар!
Бугунги байрам муносабати билан жонажон Ўзбекистонимизда хотира маросимлари, турли маданий-маърифий тадбирлар, “уч авлод учрашувлари” ўтказилмоқда. Тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг оила аъзоларига табрик ва совғалар топширишга бағишланган маросимлар тантанали вазиятда ўтказилмоқда.

Мухтарам уруш фахрийлари халқимизнинг доимий эътибори ва эъзозиде бўлиб келмоқдалар. Жумладан, ёлғиз яшаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, истиқлолимиз ҳимояси йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг уй-жойлари таъмирланиб, обод қилинмоқда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига патронаж хизмати ва зарур тиббий муолажалар кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига қўра санаторийларда даволанмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, биз бугунги озод ва эркин ҳаёт учун азиз жонини аямасдан курашган бундай улғу инсонлар олдида доимо қарздоримиз, улар учун бундан буён ҳам барча шароитларни яратиб берамиз.

Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, фарзандларимизни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш, бебаҳо бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни асрашдек ўта муҳим вазифаларни бажаришда қахрамон фахрийларимизнинг жасорати, шонли анъаналари биз учун ҳамisha ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Биз улардан руҳ ва куч олиб, Ватан ҳимоячилари, тинчлик посбонлари, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари бўлишдек юксак бурчимизни, албатта, шараф билан адо этамиз.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!
Сиз, азизларни бугунги улғу айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барак тилайман.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!
Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎДИ ҲАМИША ЁДДА ХАЛҚ ТАҚДИРИНИ АНГЛАШ

Эсимда, 1981 йилнинг 17-18 март кунлари со-биқ Иттифоқнинг ўнлаб машҳур адиблари “Шарқ машъали” деб ном олган Тошкентга йиғилиб, ба-дийий адабиёт тарғиботи бўйича улкан анжуман ўтказилди. Анжуманда Сарвар Азимов, Римма Казакова, Назир Сафаров, Лев Ошанин, Туроб Тўла, Владимир Карпов, Раҳмат Файзий ва бошқа-лар сўзга чиқди. Машва-ратда энг қисқа ва лўнда гапирганлардан бири атоқли қорақалпоқ адиби, ардоқ-ли устозимиз Тўлепберген Қайибергенов бўлди.



Адиб анжуман кун тартибига “Ўз онасини севмаган, унга локайд бўлган, уни кўз қорачиғидек асрай олмаган инсонни инсон, ёзувчини ёзувчи деб бўладими?” деган кескин саволни қўйди. Ўша чоғлари “Шарқ юлдузи” журналида унинг “Кўз қорачиғи” романи босилаётган эди. Кўз қорачиғи деганда адиб она сайёрамизни, она Ўзбекистонимизни, она Оролимизни назарда тутган эди. “Инсон умрининг маъно-си, – дейди адиб “Қорақалпоқнома” роман-эссесиде, – му-дом ўз-ўзига ҳисоб бериши ва ўз-ўзини тергаб юришидан иборат. Ана шундагина одам кечмиш-кечирмишларига те-ранроқ назар ташлайди. Ўз тақдирига чуқур назар ташлаш эса, халқ тақдирини теранроқ англаш демакдир. Ахир, ҳар бир одам – халқ тарихини ўзида муайян даражада акс эт-тирувчи кўзгудир!”

Тўлепберген оға кўплаб унвонлар, мукофотлар соҳиби бўлди. Атоқли устозларимиздан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддиновдан кейин 2003 йили “Ўзбекистон Қахрамони” унвони билан тақдирлан-ди. У 1967 йили Бердақ номидаги Қорақалпоғистон, 1971 йили Ҳамза номидаги Ўзбекистон давлат мукофотларига ҳам сазовор бўлди. Устозим “Мен – ўз халқимнинг содиқ навкариман!” дейишни яхши кўрарди. Саксон бир йиллик сермазмун умрининг қаймоғини ана шу улғу ва жабрдийда халқ хизматига бахш этди, бутун ҳаёти давомида бадийий ижод билан шуғулланди. Асрлар оша сахро машаққатла-рини боддан кечирган, турли талону тўфонларга дуч кел-ган матонатли халқнинг “Қорақалпоқ достони” номли сол-нома-трилогиясини яратди. Трилогия учун собиқ Иттифоқ давлат мукофоти билан тақдирланди. Устоз билан замон-дош бўлган адиблардан Чингиз Айтматов “Алвидо, Гулса-ри” қиссаси, Зулфия опа “Камалак” шеърый туркуми, Наби Ҳазрий “Денгиз чўққилардан бошланади” шеърый тўплами, Абдижамил Нурпеисов “Қон ва тер” трилогияси, Фозил Ис-кандар “Чегемлик Сандро” романи учун ана шу нуфузли сийловга мушарраф бўлган эдилар.

(Давоми 5-саҳифада.)

ЎССЕ

“ЭЛНИНГ БАХТИ ЁНМАСИН, ТИНЧЛИК БЎЛАВЕРСИН!”

дея дуо қилади Бекчон бува

Дафъатан қулоғимизга ғалати туйилган бу дуо буванинг ҳаёлига тўсатдан келмаган – ҳув узоқларда қолган, бундан роппа-ро-са саксон икки йил аввал дунёнинг у чеккасида кечаётган, эл-юрт киши-лари тилида ваҳималарга чулганган уруш – лаънати уруш деганига олиб кета-ётганлариде Девсолган қалъанинг ҳамон кўкка буй чўзиб турган ҳайбатли деворлари тагидан ўтади-ган қадим “Хон йўли”да эски юк машинаси кузо-вида тенгқурлари билан бир-бирлари пинжига суқилишганча ўтирган онлариде – рамақ лаҳза-ларда шуурида уйгонган ва бир умр ёдиде муҳрланган умидбахш тилак бу!



долзарб масалага айлангани, бу жабҳада қўлга қурол олиб, жасорат кўрсатиш ҳар бир йигитнинг бурчи экани” ҳақи-да гапирган.

Унинг қулоғига гап кир-маган, комиссариат бино-си ташқарисиде тўпланган одамлар орасидан онасини излаган. Кўзларидаги жиққа ёшни қўйлагининг енгига арт-ганча карахт бир ҳолда тур-ган муштипар онасини кўр-ганида кеча туни билан тиним билмай йўлга ҳозирлаганла-ри – бўз халтадаги егуликлар бир ботмон тошдек елкасини ўйиб юборган...

душман тарафга ўқ-ёйда учирилган тўрт сатр шеър ҳақида одамлар ҳамон фахр билан айтиб юришади. Тўрт сатрда шоир юртни ҳимоя қилаётган жасур наварлар руҳиятини моҳирлик билан кўрсата олган. Шеър мазму-ни тақрибан шундай: “Сен қанча уринма, Ҳазорасдан бир эшакни ҳам ололмай-сан”. (Шоир “минг отлик” маъносини билдирувчи “Ҳа-зорасп” атамаси мисолида ажойиб сўз уйини қилган).

...19 яшар Бекчон сафда тураркан, яна раҳматли отаси ҳақида ўйлаган. Ота-си Матназар ака боболари касби – дурадгорлик билан рўзгор тебратган. Советлар юртни ўз илкига ўтказгач, аввалида ширкат, сўнг кол-хоз тузганларида теша-ту-зовини йиғштириб, ҳам-ма қатори колхозга чиқиб ишлаган.

Матназар ақанинг беш ўғли бор эди: Самандар, Қа-ландар, Аҳмад, Бекчон, Эр-кабой. Уларнинг учови тақ-дирига қурол тутиш – юртни ҳимоя қилиш ёзилган экан.

(Давоми 3-саҳифада.)

ҒУРУР

Биз бир авлод Ватан ҳақи-да оташин шеърлар ёздик, жўшқин қўшиқлар куйладик. Она юртга муҳаббатимизни шундай изҳор этдик. Бугун эса Ватан ишқи билан яшаш-нинг мутлақо бошқача, янги бир даври бошланди. Эртан-ги куннинг эгалари бўлган ёшларимиз биз мадҳ этган садоқат ва бурч тушунчалар-ини амалий тарзда намоян этмоқдалар, гўё. Улар бу-тунжаҳон тараққиёти риво-жидан ортада қолмай, ҳар жабҳада янгиликлар яратиб, мамлакатимизнинг замон билан ҳамқадамлигига ўз ҳиссаларини қўшоқдалар. Жумладан, халқимиз тинч-лиги ва осойишталигини таъмин этувчи мудофаа тизимида ҳам.

ФЕСТИВАЛЬ

“ЎРАБ ОЛАЙ ГУЛ БИЛАН...”

Инсон ҳамisha гўзал-ликка талпиниб яшайди. Гул-чечаклар эса азалдан муҳаббат, поклик ва гў-заллик рамзи сифатида ардоқлаб келинади. Сир эмас, Наманган аҳлининг гулларга меҳри чексиз. Шу боис 1961 йилдан Наманган шаҳрида “Гуллар фестивали”ни ўт-казиш анъананага айланган. Аслида, бундай гулчилик маданияти ўзига хос тарих-га эга.



ЮРТИМИЗ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Дунё бўйлаб кечаётган глобал жараёнлар, айрим ўл-каларда ловуллаётган уруш олови хавфсизликни таъ-минлашда собитқадам бўлишни, огоҳлик ва ҳушёрликни ошириш баробарида жанговар шайлиқни мустақамлаш заруригини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-саҳифада.)



(Давоми 3-саҳифада.)



9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИНГ МАТОНАТИ УНУТИЛМАЙДИ

Иккинчи жаҳон урушининг даҳшати ва фожиалари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу урушда ўзбек халқининг ҳам қанчадан-қанча ўғлонлари қурбон бўлди. Уруш қолдирган жароҳатлар неча йиллар ўтса ҳам инсоният хотирасидан ўчмайди. Буни унуттишга авлодларнинг ҳақиқи йўқ.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан "Nurafshon business city" худудидagi 1,2 гектар майдонда Зулфия Зокирова номидаги мемориал ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия Зокирова Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан – Исоқжон, Аҳмаджон, Мамажон, Ваҳобжон, Юсуфжондан жудо бўлган. Уруш туйғуни, келинлар бева, набиралар етим қолган.

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия Зокированинг матонатли ҳаёт йўли ҳақида бадиий фильм яратилди. Бугун Ўзбекистонда Зулфия Зокировани билмайдиган, у ҳақида фильмни кўрмаган одам йўқ.

Зулфия Зокирова оиласи мисолида Иккинчи жаҳон уруши ўзбек халқига қанчалик муҳаббат келтирганини тасаввур этиш мумкин.

Мажмуа худудига 15 турдаги мингдан зиёд гуллар экилди. Шунингдек, хориждан келтирилган 6 хил турдаги 500 дан зиёд манзарали ниҳол ҳамда 5 мингдан ортиқ

бута, 100 га яқин ноёб турдаги арча кўчатлари ўтказилди. Худуднинг 7 минг квадрат метр майдонига чим ётқизилиб, мажмуанинг ён томонида Тошкент каналидан алоҳида 1,9 километр табиий сув ирмоғи тортиб келинди. Экилган ниҳол ва гулларни тежаб суғориш тизими йўлга қўйилди. Мемориал мажмуанинг қурилиши ва атрофини ободонлаштириш учун 4,8 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди.

Мазкур мажмуа энг сўлим ва сокин жой бўлиши билан бирга, тарихда содир бўлган муҳим урушдан сабоқ чиқариб, бугунги тинчлик, осуда ҳаётга шукрона келтириш, унинг қадрига етиш, шу билан бирга ўтганларга эҳтиром ва ҳурмат кўрсатишга ундовчи маскан бўлиб хизмат қилади.

Бу ёдгорлик мажмуини зиёрат қилган, яратилган боғни айланган инсонларда урушларга нафрат туйғуси уйғониши билан бирга буюк момоларимиз, уларнинг мард ўғлонлари жасорати, матонатидан ғурурланиш ҳисси ҳам пайдо бўлади.

**А.МУСАЕВ,
ЎзА.**



ЮРТИМИЗ ҚУДРАТИ ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Шу боис ҳам миллий армиямизни энг замонавий қурол-аслаҳалар ҳамда ҳарбий техника билан таъминлаш ва мудофаа саноатини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жорий йилнинг 2 январь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ушбу соҳа фаолиятини янада такомиллаштириш ва мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини юксалтириш бўйича қатор топшириқлар берилган эди. Шунга асосан 2-4 май кунлари пойтахтимиздаги "Галаба боғи" ёдгорлик мажмуасида мудофаа соҳасида инновацион технологиялар фестивали ҳамда "Technofest-2024" мудофаа саноати амалий кўргазмаси бўлиб ўтди. Мазкур фестивалда йигирмага яқин йирик ишлаб чиқариш корхоналари, 50 та ташкилот вакиллари ҳамда 30 дан ортиқ ихтирочилар металлургия,



кимё саноати, тўқимачилик соҳасига оид маҳсулотлари ва моделлари билан иштирок этди. Шунингдек, робототехника, киберспорт, дронрейсинг, 3D моделлаштириш, дронларни лойиҳалаштириш ва дастурлаш каби йўналишлар бўйича ҳам кўплаб лойиҳалар намойиш қилишди.

– Бугунги кунда ҳурматли Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Шавкат Мирзиёевнинг талаби ва эътибори туйғули армия тизимида жуда катта ўзгаришлар юз беряпти, – деди истеъфодаги генерал-полковник Рустам Аҳмедов. – Мен айниқса, армиямиз учун зарур бўлган бир қатор замонавий қурол-аслаҳалар ўзимизда ишлаб чиқарилаётганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Кўргазмада ҳар хил турдаги автоматлар, робот-аскарлар, 30 километр баландликкача кўтарила оладиган учувчисиз учиш қуролмалари намойиш этилди. Шубҳасиз, ҳар бир давлатнинг муҳофаза қуввати армиясининг куч-қудрати билан ўлчанади. Шу маънода, мудофаа соҳасига эътиборни доимий равишда кучайтириб бориш замон талабидир.

Мудофаа вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги ва бошқа бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган кўргазма ва фестивалда миллий армиямизнинг мудофаа салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган истиқболли йўналишлар бўйича ишланмалар, янги лойиҳалар кенг намойиш қилинди. Уч кун давом этган тадбирларда алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари,

ўқув-техник воситалар, дастурий таъминот, авиация моделлари, дронлар, робототехника қуролмалари, тренажёр комплекслари, ҳимоя воситалари, кимё технологиялари ва бошқа бир қанча ҳарбий технологик маҳсулотлар ҳарбийлар эътиборига ҳавола этилди.

Мудофаа вазирлиги Фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаш раиси, истеъфодаги полковник Абулқасим Наврузов шундай дейди: – Бундай лойиҳалар мудофаа соҳасига янги технологияларни жорий қилишга қодир бўлган иқтидорли ёшларни кашф этиш ҳамда турли ташкилотлар ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарини мудофаа саноатига кенг жалб этишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, айна пайтда мамлакатда иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантиришнинг аҳамияти катта. Зеро, кўзлаган эзгу мақсадларимизга фақатгина тинчлик-оқош йиштилик орқали эришишимиз мумкин. Ватан ҳимоясини жисмоний тайёргарликлар билан бир қаторда, илм-фан ютуқлари орқали ҳам мустаҳкамлаш зарурлигини англаш қийин эмас. Шу жиҳатдан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Қуролли Кучлар тизимини ҳар томонлама модернизация қилиш орқали Янги Ўзбекистоннинг суверенитети, халқимизнинг хавфсизлиги ва осойишталигини кафолатли таъминлашга қодир бўлган замонавий армияга айлантириш бўйича амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда. Юртимизда фавқулодда вазиятларда қўлланувчи кўп

функционали роботлар, тоғли худудларга оид маълумотларни таҳлил қилишда қўлланадиган мобил дронлар, ярадор аскарлар ва бошқа юкларни ташишга мўлжалланган электромобиллар, турли мақсадларга хизмат қиладиган учувчисиз учиш қуролмаларининг ишлаб чиқарилаётгани, янги-янги ҳарбий лойиҳаларнинг тақдим этилаётгани бу борадаги ишлар кўламининг кенгаётганидан далolat беради. Айниқса, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги қошидаги Ёшлар академияси вакиллари ҳам айнан шу соҳага йўналтирилган илмий-техникавий ишланмаларга жиддий эътибор қаратишмоқда.

– Кўргазмада Ёшлар академияси томонидан 13 та, умумий тизим бўйича эса 30 дан ошқ лойиҳалар намойиш этилди, – дейди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги раиси Отабек Маҳаммов. – Ўтган йили ушбу соҳага тўртта грант ажратилиб, 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Айна пайтда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда. Албатта, бу каби тадбирлар нақвирон олимларимизда Ватанимизнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиш истагини кучайтиришга хизмат қилади. Шу боис биз Мудофаа вазирлиги билан ушбу йўналишда мунтазам ҳамкорлик қилишга келишиб олдик.

Ҳарбий саноат соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар нафақат миллий армиямизни замонавий қурол-яроқ ва техника воситалари билан таъминлашга, балки яқин истиқболда минглаб қўшимча иш уринлари яратиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификация қилишга ҳам кўмак беради.

"Technofest-2024" мудофаа саноати амалий кўргазмаси якунида малакали экспертлар томонидан ёш муаллимларнинг ишланмалари орасидан энг яхшиларни аниқлаиб, муносиб рағбатлантирилди. Шунингдек, уларнинг келгусида мудофаа саноатига қарашли корхона ва заводларда ишга жойлаштиришга кўмаклашиш чоралари белгиланди.

Албатта, юртимиз йилдан-йилга обод бўлиб, ҳаётимиз кун сайин фаровонлашиб бораётгани кўнонарли ҳол. Аммо дунёда чегара билмас хавф-хатарлар бор экан, хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ. Дунёда юз бераётган турли воқеа-ходисалар, таҳдидларни биргина ўша давлат ёки минтақа ҳаётига дахлдор деб бўлмайди. Мана шундай шароитда Ватанини кўз қорачиғидек асраш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг олий бурчимизга айланмоғи шарт. Зеро, хавфсизлигимизнинг кафолати мудофаа қудратига боғлиқ.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

ҚАДРИЯТ

105 ёшида дунёдан ўтган аммамининг тутдан ясалган урчуғи бўларди. У ип йиғирганида кўз олдимизда қурраи замин айланаётгандай бўлиб, урчуқнинг чирилган овозидан завқимиз ошарди. Аммамининг урчуғини асраб-авайлаб, ёш болаларга ҳеч ушлатмасди. Биз опа-сингиллар унинг кўзини шамғалат қилиб, ўзимизча урчуқ йиғиришга уринардик, – дейди Сайхунобод тумани, "Паймард" маҳалласида истиқомат қилувчи таниқли хунарманд Асиба Ботирова. – Онамнинг бошқирдистонлик курсдоши бўларди. У бизга қўтида тивит жунини жўнатарди. Онам ана шу тивитдан рўмол, пайпоқ тўқиб беради. Маҳалламиз аёлларининг ҳаммаси ҳам урчуқ йиғиришни яхши билар, билмаганлари нўноқ ҳисобланарди. Онам ва аммадан кўриб мен ҳам бу хунарга қизиқдим.

Ўрта мактабни тугатиб, ўқишга қира олмадим. Отам сополдан урчуқбоши ясаб берди. Қиши билан шу урчуқда иккита гилам учун ип йиғириб қўйибман. Биринчи тўқиган гиламчамни акамга совға қилганман.

Урчуқда йиғирилган ипнинг мустаҳкамлиги йиғирувчининг маҳоратига боғлиқ. Иплар ингичка йиғирилиб, икки қават ўралиб, пишитиб тўқилса, маҳсулот енгил, нафис ва бир текис бўлиб чиқади.

Бугун замонавий асбоб-ускуналарда йиғирилган ипда тўқилаётган гиламларнинг турли кўп. Бироқ урчуқ ипдан тўқилган маҳсулотлар ўзининг мустаҳкамлиги ва ранги узоқ вақт ўчмаслиги билан ажралиб туради. Замонавий

УРЧУҚ ЙИГИРИБ, БАХТ ТЎҚИДИМ

механик урчуқлар XVIII асрда саноат ривожланиши натижасида пайдо бўлиб, гиламчилик соҳасининг кескин ривожланишига таъсир кўрсатган бўлса-да, бу шиддатли жараёнлар кўп урчуқларнинг аҳамиятига пўтур етказгани йўқ. Пахтадан тўқилган табиий жулпатларнинг нақшларига қараб кишининг завқи ошади. Мен ҳам тўқиган буюмларимда миллийлик, анъанавийлик ва замонавийликни акс эттиришга ҳаракат қиламан. Ҳар бир ишимга ўзига хос ижодий ёндашиб, табиат гўзаллигини тўқиган буюмларимда акс эттиришга уринаман.

Ўзим учун қадрли бўлган оқ тошдан ясалган урчуқбоши отамнинг онасидан мерос қолган. Бувим уни онамга қолдирган. Ана шу оилавий меросни авайлаб сақлаётган.

Янги оила қурган кезларимда турмуш ўртоғим Андижонда талаба эдилар. Ундан сўнг ҳарбий хизматга кетдилар. Ёлғиз қолган кунларим урчуқ йиғириш билан ўзимни овутардим. Тўқиган нарсаларимни сингилларимга, қайинсингилларга совға қилардим. Ҳалигача ҳар бир ишимни ўша пайтлардагидай завқ-шавқ билан бажараман. Айниқса, қарийб 40 йил ўқитувчиликдан нафақага чиқиб, 2015 йили "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлган, ип йиғириш ва тўқишга янада жиддийроқ киришдим.

Ҳозир ҳам юртимизда бўладиган турли фестиваллар, кўргазмаларда ўзим тиккан қўшқлар, гилам ва шолчалар билан иштирок этаман. Бекор ўтиргунча бекор ишла, деб бежиз айтишмаган. Шу касбнинг ортидан эл-улус


орасида ҳурмат қозондим, кўплаб шогирдлар ҳам тайёрладим.

Ишқилиб, ҳаётим давомида нимагаки эришган бўлсам, урчуқ йиғириш ортидан деб билман. Шу хунар билан эл кезиб, дунё кўрдим. Тошкентда бўлиб ўтган халқро кўргазмада Буюк Британиянинг Кембриж шаҳридан келган тадбиркор Муҳаммад Абдулвазиз ал-Марғуб ишларим билан танишган, мен тўқиган поёндоз, шолча ва гиламларни сотиб олиш учун шартнома тузган эди. Эндиликда тўқиган гиламларим Европада ҳам сотилмоқда.

Бу хунар момоларимиздан мерос. Ҳар бир иш ниҳоясига етганда унинг завқини ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайди. Ёзувчи-шоирлар яхши асар яратганида қанчалик хурсанд бўлса, завққа тўлса, мен ҳам улардан кам қувонмайман. Яна урчуқ йиғириб, бундан-да гўзал ва бежирим буюмлар тўқишга ҳаракат қиламан.

Ҳозир юртимизда моддий ва номоддий қадриятларимизни асраб-авайлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу ишларга ҳамоҳанг тарзда ҳар биримиз миллий хунармандчилик соҳасида муносиб шогирдлар етиштирсак, боқий анъаналаримиз, моддий ва маънавий меросимизни келажак авлодларга баъс-бутун етказишга ҳисса қўшган бўламиз. Мана шу йўлда менинг ҳам озми-кўпми ҳиссам борлигидан доим фахрланиб юраман.

**Баҳром БОЙМУРОДОВ
оққа кўчирди.**





Бошланиши 1-саҳифада.

Саамандар урушдан омон-эсон қайтиб келди. Эркабой урушдан сўнг ҳарбийга олинди ва тақдир экан – тинч замонда омонатини ҳарбийда топширди.

Бекчон ака эса...

Урушга отланган уч юздан кўпроқ йигитларни Амударё орқали кемадарда Чоржўйга етказишди. У ёғига поездда тўққиз кун йўл босиб, вақтинчалик ҳарбий тайёргарликдан ўтказадиган қисмга – Москва яқинидаги полигонга олиб боришди. Ҳарбий тайёргарлик узоққа чўзилмади – ўрмонда бирор ҳафта милтиқдан ўқ отиш, граната улоқтиришни ўргатишди-ю, жанглار авжига чиққан фронт чизиғига жўнатишди.

Бекчон ва яна қирқ чоғли йигитларни Ленинград fronti таркибига юборишди. У вақтда ҳали шаҳар тўла қамалга олинмаган, бостириб келаётган душманни ортага улоқтириб ташлаш умиди бор эди.

Кейин шаҳар тўла қамал ҳолатига тушади. Шиддатли бўлмаса-да, ҳар кун, ҳар соатда фронт чизиғи бўйлаб қисқа жанглар бўлиб туради. Энг ёмони, қамалдаги шаҳарда озиқ-овқат тақчиллиги рўй беради. “Катта ер”дан озиқ-овқат ташиб келтириш тўхтаб қолганидан аскарларнинг кунлик озиқ-овқат меъёри ҳам ой сайин қисқартириб борилади. Бу ёқда тинч аҳоли очликдан қирилади бошлади...

Немисларнинг шаҳарни босиб олмасдан, очлик ёрдамида таслим қилиш мақсади аён бўлган, қўмондонлик аскарларнинг бир қисмини қишда Ладога кўли орқали олиб чиқиш, вазият оғир бўлган бошқа фронтларга ташлайди.

Бекчон бува 2-Украина fronti таркибиде икки йилга яқин қақшатқич жангларда иштираётган эди, 1944 йилнинг октябр ойида оғир яраланади. Икки ойдан зиёд ҳарбий госпиталда даволанган, уни “ҳарбийга яроқсиз” деб топиб, захирага бўшатишди.

“1944 йилнинг 15 декабри куни уйга келдим, – деб гурунг беради кекса жангчи. – Карвак қишлоғидан урушга кетган мен тенги ва ёши катта йигитларнинг ўн беши ҳалок бўлгани ҳақида “қора хат” келган экан. Кейин яна қанча шумхабар келди...”

Қишлоқларда ҳам аҳвол яхши эмасди. Бор озиқ-овқат фронтга олиб кетилганидан юртда очарчилик рўй берган, кўп одамлар пахтага ўғит ўрнида ишлатиладиган кунжарани илжисизликдан еб, жигарлари адо бўлиб, бевакт вафот этишган. Устига устак, икки йил кетма-кет тарқатган вабо ҳам кўпларнинг ёстиғини қуритган. Колхознинг оғир иши қариялар, хотин-қизлар, ҳали суяги қотмаган ўсимирларга қолган экан. Онам у яқинларим дийдорига тўғмасдан колхоз ишига чиқиб кетдим. Мени чорвачилик фермасига ишга юборишди. Тезроқ уруш тугасин, юртда тинчлик бўлсин, деб кечаю кундуз ишладик. Уруш вақти колхозчиларга иш ҳақида “иш куни”га қараб бугдой беришарди. Онам, укаларим ва мен очдан ўлмаслигимизга етарли бугдой олсак, дўппи-

“ЭЛНИНГ БАХТИ ЁНМАСИН, ТИНЧЛИК БЎЛАВЕРСИН!”

дея дуо қилади Бекчон бува



мизни осмонга отардик.

Эй, урушнинг номи ўчсин! Не азобларни кўрмадик. Қишлоғимиздан урушга кетган йигитларнинг ярмисини тирик қайтмади. Аксарияти ноғирон бўлиб қайтишди...”

Бекчон бува нафақага чиққунича чорвачилик фермасида ишлади.

Ҳозир 103 ёшни қаршилаётган Бекчон буванинг хотираси яхши, аммо улоқлари чала эшитади. Сўхбатимизда неваралари Шохистахон “тилмоч”лик қилди.

“Бува, сўрашяпти, Рўзи энам билан қачон тўйларингиз бўлган?”

“Тўй? Қанақа тўй? Рўзи энангга уйланган вақтим – уруш энди тугаган даврларда тўй бормиди? Одамларда қорин қайғуси. Ҳозиргидек келинга бўҳча-бўҳча кийим борми, “қалин” дегани қайда? Ўн килоча гуруч дамлаб, яқинларни чақириб, энангни тушириб олганман. Ҳозир одамлар тўкинликдан минг одамни чорлаб, катта-катта тўйлар қилишяпти. Тўйхона деганларни чиқди. Турли еимликларни столлар зурга кўтарди. Шу кунларга етказганига шукр! Лекин уволниям унутмаслик керак...”

Бекчон бува Рўзи момо билан бутун умр колхозда ишлаб, катта рўзгорни тебратишди. Фарзандлари кетма-кет туғилди: Қодир, Тўти, Рийимберган, Раъно, Салима,

Гулбахор, Гулчеҳра, Худойберди... Катта фарзандлари аллақачон қариллик гаштини суришмоқда. Барчалари аждодларидан мерос шу қишлоқда мўқим яшашипти.

Терапевт шифокор ўғли Рийимберган ҳар куни отаси ҳолидан хабар олади – юз билан юзлашган қария доимий назорат ва тиббий ёрдамга муҳтожлик сезади.

Бекчон бувадан невара, чевара ва эваралари ҳақида сўраймиз. Бува лаҳза ўйланмасдан ёд бўлиб кетган рақамларни такорлайдилар:

“Худога шукр, ҳамма фарзандларим ҳаёт. 36 нафар набирам, 120 чеварам ва 16 нафар эварам бор. Эвараларим сони йил сайин ошяпти. Шуларнинг тўйларини кўрай, деб ният қиламан”.

Бува гап орасида қизиқ бир таққослашни келтирдилар:

“Бугун ҳам советларни мақтайдиган бор. Аммо ўша замонда Хоразмда оддий пақир ёки миҳ ҳам тайёрланмас эди. Буни қаранг, ҳозир Хоразмда енгил машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Машина чиқадиган Питнак шаҳри бизларга беш қадам. Шу кунларни ҳам кўрдик-а! Бизлар урушга кетган даврда Ҳазорасда икки қаватли бино дегани йўқ эди. Ҳозир қишлоқларда беш ва етти қаватли турар жойлар тикланяпти. Қишлоқлар шаҳарлардан қолишмайди. Ҳар қадамда

тўйхона – кунора тўй! Элнинг бахти ёнмасин, юрт бошида турган инсонлар омон бўлсинлар!”

Яна бир таъсири ҳолат. Бекчон бува гурунгимиз давомида Хоразмда неча нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси қолгани ҳақида сўради. Яхшиям, куни кеча вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Одилбек Одамбоевдан шу ҳақида маълумот олганим, акс ҳолда ер чизиб қолар эканман.

“Беш нафар қолибсизлар, бува! Гурландан Бобожон Мадаминов, Қўшқўпирдан Вафо Искандаров, Урганч шаҳридан Собир Қурбонов, Янгибозордан Амин Матниёзов ва сиз”.

Бува чуқур хўрсинади: “Мингдан биримиз қолибсиз-да! У ёқларда – бегона тупроқларда қолганлар қанча эди? Ўзим тенги, бирга ўйнаб-ўсган йигитлардан етти нафари урушдан қайтмади...”

Сўнг яна сўрайди: “Қолганларнинг энг ёши қаттаси қанча экан?”

“Гурланлик Бобожон бува 105 ёшда эканлар. Қолганлари 101-99 ёшларда, сиздан кичикроқлар”.

“Уруш бўлмасин-да, болам. Бу “Афғон уруши” дегани ҳам қанча йигитларнинг умрига завол бўлди. Ҳозир ҳам телевизорда кўзим тушади – мен саксон йиллар олдин қон кечган Украинада яна уруш бўла-

ётган экан. Э, аттан!.. Не-не гўр йигитлар беҳуда ўлиб кетади. Бизнинг авлод азобу уқубатларни кўрдик, шунинг ўзи етмасми-ди! Шу кечаю кундуз ёлғиз тилагим: халқимизнинг бахтига уруш бўлмасин! Бизлар кўрдик, энди авлодларим кўрмасин! Тинчликнинг қадрига етиб яшайлик!”

Уруш деган балои офат ўчоғини ўчириш учун қон кечган, қолган бутун умрини тинч меҳнатда кечириб, бир этак фарзандлари келажагини яратган Бекчон бува ҳузуридан қайтар эканман, йўлим ўша қадимий Девсолган қалъа пойидан тушади. Уч минг йиллик тарихга эга воҳадаги энг “кекса” қалъа ҳаробалари бугун гўё қайтадан яшармоқда. Президентимизнинг юртимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш борасидаги тарихий фармонидан сўнг Хива шаҳри қаторида Ҳазорасп ҳам халқро сайёҳлик йўналишига киритилди. Бугун кўҳна қалъани қайта таъмирлаш, бу ерда хунармандлик расталари, рассомлик устaxonалари, сайёҳларга хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд қилинган. Деярли ҳар куни дунёнинг турли бурчақларидан ташриф буюрган сайёҳлар қадим қалъани ҳайрат билан томоша қилишади. Аждодларимиз яратган меъморий обидалар таърифи баҳри муҳитлар ошган. Халқро сайёҳлар оқими кўпайишини инобатга олиб, воҳага тезорар электр поезд йўли тортилмоқда.

Ушбу темир йўл тармоғи қадим Девсолган қалъа яқинидан ўтган.

Саксон икки йил олдин урушга кетаётган Бекчон бува аждодлари тиклаган қадим қалъа деворларига боқиб, юртга соғ-омон қайтишни, боболари каби асрларга тайийдиган иншоотлар барпо этишни орзу қилган эди. Қўли гул инсон бу орзусини мустақиллик йилларида фарзандлари очган боғдорчилик фермер хўжалигида амалга оширдилар. Бува ўз кўллари билан эккан турли мевали дарактлар, айниқса таърифи юрт ошган “Карвак олмаси” аллақачон мўл ҳосилга кириб, бозорларимиз тўкин бўлишига ҳисса қўшаётир.

“Яхшидан боғ қолади” дейилмиш отасу-зимиз яна бир қайта ўз исботини топаётир.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафасида Хоразм вилояти ҳокими Жўрабек Рахимов Бекчон бувани ҳам зиёрат қилиб, Президентимиз совғаси – 20 миллион сўм пул мукофоти, шунингдек, вилоят ва туман ҳокимликларининг туҳфаларини топширди. Бекчон бува набираси тенги раҳбарга хурмат юзасидан: “Ҳоким бува” деб мурожаат қиларкан, юрт тинчлиги, ободлиги йўлида кечаю кундуз ором билмай ишлаётган Юртбошимиз ва бошқа раҳбарларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаб, дуо қилдилар-да, машур тилагини такорлади:

– Тинчлигимиз қадим қалъаларимиздек барҳаёт ва мустаҳкам бўлсин!

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

ТИЛБИЛИМ

“-ЛАР” КЎШИМЧАСИ ҲАҚИДА

“-Лар” кўшимчаси тўғрисидаги фикрни қувватлаганлардан миннатдорман. Шу муносабат билан куйидагиларни қайд этиш мақсадга мувофиқ. “-Лар” икки функция бажаради.

Биринчи функция – кўпликни ифодалаш. Албатта “вилоятлардан хушхабарлар”, “одамларнинг нақшидир” (Навоий), “китобларни тахлаб кўй” деймиз. Агар саналувчи олдидан -та, нафар ва бошқа моҳиятан кўпликни билдирувчи восита келса, “-лар” қўшилмайди, чунки “серёғ думба” каби ортиқчалик юзага келади. Мисол учун, “юз киши” дейиш тўғри, аммо “юз кишилар” дейиш нотўғри. Қиёсланг: “икки киши” – “икки кишилар” ёки “бир жуфт кишилар”. “Бешта китоблар” дейиш шева эмас (шева қадимий бўлади), яқинда рус ва инглиз тилларидан кўчирма қилиш натижасида пайдо бўлган, холос: 5 тег, 2 books, 10 кнig, 20 штук яиц. Бу анъана давом этгудай бўлса, “мен шимлар кийдим”, “кўзойнақларимни тақдим” дейиш бошланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Иккинчи функция: ҳурматни ифодалаш. Мисол учун, “Отам уйддалар, чой ичяптилар” – бу жоиз, аммо “Отамлар уйддалар” – шаклан ҳам, маънан ҳам хато, “чойлар ичяптилар” дейиш эса кулгили. Ҳурмат маъносидан “-лар” гапнинг эгаси ҳурматга лойиқ шахс (яъни инсон) бўлганда гапнинг кесими-

гагина кўйилса жоиз: “Устоз китобидаги мақолани ўқишни тавсия қилдилар”. Худди шу фикрни “устоз китобларидаги мақолаларни ўқишни тавсия қилдилар” дейиш нотўғри, чунки тингловчи бир неча китобнинг ҳар биридан бир нечтадан мақолани тавсия қилган экан” деб тушунади. Айни пайтда “лар”ни кўшса ҳурмат бўлади, акс ҳолда ҳурматсизлик бўлади, дейиш ҳам мутлақо нотўғри. Айниқса расмий нутқда (жумладан, “ойнаи жаҳон”да гапирганда) “лар” кўшимчасини кўллайвериш дуруст эмас, уни сунистеъмом қилиш эса ҳурмат эмас, аксинча, тилёгламаликни билдиради.

Шевада “-лар” ҳурматни эмас, аксинча, ҳурматсизликни билдириши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак: “Ёзларинг!” – шевага хос, кенг тарқалган, кўпчиликини менсимаслик ифодаси. Ҳали-ҳозир ўзбек адабий тили грамматикасига киритилмади. “Киритмоқчимсанлар? Ўл(ма)ларинг!”. Тўғри шакл: “Ёзинг!” “Ёзинлар!” деса адабий тилга мувофиқ бўлади. Ўсмир ўзининг ўртоқларига танаффусда “Ёзмайсанларми?” дейиши жоиз, аммо синфда бундай дейиши одобсизлик. Ўқитувчи томонидан айтилса хато, чунки ўқитувчи зиёли, ўқувчиларига намуна бўлиши керак. (Валлоху аълам бис-сабов.)

Абдулла АЪЗАМ

Бошланиши 1-саҳифада.

Илгари шаҳардаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги истироҳат боғи ўрнидаги Гулзор маҳалласида яшаган одамлар ўзларининг ҳовли ва боғларида анвойи гуллар ўстиришган. Ана шу чаманзорларнинг довуғи Қўқон хони Худойерхоннинг ҳам кулоғига етиб борган. Натижада у маҳалла аҳлини бошқа жойга кўчириб, ушбу худудни ўзига қароргоҳ қилган.

Наманган гулчилиги ривожига маҳаллий аҳоли орасида Тўқмулла исми билан танилган татар миллатига мансуб Тўхмуллин ва унинг авлодлари ҳам муносиб ҳисса қўшган.

Қозон шаҳрида туғилиб ўсган бу инсон чор Россиянинг мусулмон татарларига тазийқи кучайгач, 1830 йилда юртимизга кўчиб келган. У олтимиш ситих ер сотиб олиб, боғ-роғ барпо қилган.

Тўхмуллиннинг ёлғиз фарзанди Иззатулла диний ва дунёвий илмлар билимдони бўлиб, шаҳардаги масжид-мактабда болаларга сабоқ бериш билан бирга, гулчилик билан ҳам шуғулланарди. Иззатулла қори 1870-1910 йиллар мобайнида ўз ҳовлисида дунёнинг турли чеккаларида ўсадиган 200 дан ортиқ гул ва ўсимлик навларини парваршилаб, маҳаллий иқлимга мослаштиради. Қизиги, у гул уруғларини тайёрлаш ва ўзга юртларга экспорт қилиш мавзусига бағишланган мўъжазгина луғат-рисола ҳам чоп эттирган. Ушбу асарда турли гул навларининг шифобахш хусусиятлари ва парваршилаш усуллари ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Ўтган асрнинг олтиминчи



“ЎРАБ ОЛАЙ ГУЛ БИЛАН...”

йилларида Наманган шаҳридаги Бобур Мирзо номидаги истироҳат боғига раҳбарлик қилган Ҳошимжон Нурматов ҳам шинаванд инсон сифатида ном қозонган. У киши ҳар йили ёз фаслида Россиянинг Ессентуки шаҳрига дам олиш учун борганида ушбу курорт-шаҳарда санъат даражасига кўтарган гулчилик маданиятини яқиндан ўрганарди. Айниқса, у киши маҳаллий аҳолининг тувакларда ўстирилган гулларни кўча эшиги олдидан қаторлаштириб тегири кўйиши ва бу ҳол сайёҳлар эътиборини тортишига аҳамият қаратади. Хуллас, Ҳошимжон ака бу каби гулчилик тажрибаларини Наманганда ҳам намойиш қилишга қарор қилади. Эътиборли томони, унинг ташаббуси наманганликлар орасида шитоб билан омаллашиб кетади. Қисқа вақт ичида шаҳардаги асосий гулзорнинг майдони қарийб 15 гектарга етади. Ушбу майдонда 800 хилдан ортиқ гул ўстирилиб, унинг худудида иссиқхона ҳам ташкил этилади.

1961 йил 19-20 август кунлари Наманган шаҳрида илк марта

гул байрами ўтказилди. Тадбир доирасида ташкил қилинган 17 та гуллар кўргазмасида 6 та ташкилот ва 16 нафар ҳаваскор гулчи иштирок этади. Бу ташаббус гулсеварлар орасида кенг кулоч ёйди. “Наманган ҳақиқати” газетасининг 1962 йил 13 май сониде Эшондада Алихоннов, Солихон Носиров, Йўлдош Раҳимов, Абдусамат Абдуллаев, Йўлдош Обидхонов, Абдурахим Ғафоров, Александр Масленникова, Рамазон Муродрасулов каби атоқли гулчилар имзоси билан “Наманган гул шаҳри бўлсин!” сарлавҳали чақириқ мазмунидаги мақола эълон қилинади. Ушбу мақолада “Қаерга бир туп гул ўтказиш мумкин бўлса, ўша ерни гулсиз қўймайлик!” деган шior ўртага ташланади.

Йиллар давомида Наманган шаҳрида яқка тартибда гулчилик билан шуғулланадиган кишилар сафи кўпая бошлади. Юртимиз мустақилликка эришгач, шаҳарда гулчиликка эътибор янада кучайди. Айниқса, кейинги йилларда гул байрамининг мазмуни ва аҳа-

мияти янада кенгайди. Хусусан, 2017 йили ушбу тадбир халқро миқёсда ўтказилиб, унда Франция, Бельгия, Голландия, Жанубий Корея, Озарбайжон ва Қирғизистондан келган меҳмонлар ҳамда юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий компаниялар вакиллари иштирок этишди. 2018 йилги мавсумда эса наманганлик гулчилар мисли кўрилмаган гуллар парадини уюштиришди. Шу тарихи ушбу тадбир “Халқаро гул байрами” мақомига сазовор бўлди. Ҳар йили Намангандаги гўзаллик ва нафосат байрамиде қатнашиш ва уни ёритиш учун дунёнинг турли давлатларидан меҳмонлар ҳамда журналистлар ташриф буюрмоқда. Бир сўз билан айтганда, айни пайтда Наманган шаҳридаги гуллар фестивали том маънода тинчлик, фаровонлик ва халқлар ўртасидаги бирдамлик байрамиде айланган.

Муқаддам УСМОНОВА,
Наманган вилояти тарихи
ва маданияти давлат музейи
илмий ходими



БУГУН — ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

“ШУМ БОЛА”НИНГ ЖОЗИБАСИ



“Шум бола” асари Ғафур Ғулом ижодининг насрдаги юксак чўққиси ҳисобланади. Қиссанинг фазилатлари жуда кўп. Айнан шу асарда адибнинг чўнг бадиий маҳорати яққол кўринади. Муҳими, “Шум бола” ўзбек адабиёти тарихидаги мингдан ортиқ қиссалар орасида ўз поэтик қиммати билан ҳам биринчилар қаторида турибди. Бу асарни ўқиган бори, Ғафур Ғуломнинг ибрат мактабидан сабоқ олиши табиий.

-1-

Ғафур Ғуломнинг хос шоғирдларидан бири Эркин Воҳидов айтдики:

*“Эл устозим, мен эсам – толиб!
Сўз дурларин термоқдир ишим.
Одамларнинг ўзидан олиб,
Одамларга бермоқдир ишим”.*

Халқдан олиб халққа бериш Ғафур Ғуломга ҳам хос эди. Халқ орасида кенг тарқалган таъбирлардан бири шуки, кимдир меҳмон бўлиб ёки сафардан келадиган бўлса, “ҳалигина қовоғим учиб турган эди” таъбири қўлланади. Шум бола уйдан қочиб, аммасининг уйига борганида унга “Кел-а, бўйиндан гиргиттон бўлиб кетай, сени қайси шамол учирди, акам тирлиб келдим, ҳалигина қовоғим учиб турган эди” дейди, поччаси ҳам “неча кундан бўён кўзим учиб, йўллашга айланиб юрган эди...”, дея Шум болани мамнуният билан қарши олишади. Кўз-қовоғи учса, одамлар орасида яхши ёки ёмон нимадир содир бўлишига тегишли ирим бор. Ҳолбуки, бунинг инсон ҳаётига, кимингдир келиш-кетилишига алоқаси йўқ. Аммо Шум болани аммасы билан поччаси хуш кайфият билан, келганидан хурсандлигини билдириш учун кўзи, қовоғи учганини айтади. “Унг қабогим учди-я, чап қабогим учди-я”, деган шаклда халқ орасида қўшиқлар ҳам бор. Истеъдодли шоир Абдулла Ориповнинг умри охирида халқона услубда ёзган соғинч туйғулари жамланган шеърларидан бири ҳам “Унг қовоғим учди-я” деб номланади...

Ғафур Ғулом халқ ҳаётини, халқ оғзаки ижоди намуналарини, мумтоз Шарқ адабиёти дурдоналарини пухта билар эди. Фахриддин Али Сайфийнинг форс тилида битилган ихчам, қизиқарли ҳикоят ва ривоятлар, машхур шахслар ҳаётига доир лутфлар жамланган “Латофатнома” асариди “Тани бошқа дард билмас” сарлавҳаси остида қизиқ бир воқеа баён қилинади. Ривоят мазмунига кўра, бир бадавлат киши йўлда оч қолган бадавий ҳамқишлоғини учратиб қолиб, ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Бадавий бошида яхши хабарлардан сўзлайди. Аммо зодагон таниши хуржундаги егуликларини ўзи еб, унга эътибор бермагач, бадавий қорин тўйдириб илжинида қувлик йўлига ўтади. Бойвачча яхна гўшт чайнаб, суягини дайди итга улқотирган пайтда уларнинг ўртасида қизиқ суҳбат бўлиб ўтади.

Дарҳақиқат, бойвачча йўловчи билан бадавийнинг мазкур суҳбати Ғафур Ғулом асариди “иннанкейин-чи” – Сарибой билан Шум бола ўртасидаги кульминацион диалог мазмунига қайсидир маънода яқин келади. “Латофатнома”даги ривоятда кучук, туй, йўловчининг хотини, ўғли билан уйғун кетма-кетлик бор. “Шум бола”да бойнинг дандон соғли пичоғи, този ит ва тўрик қашқа отининг ўлиши, қўрғончага ўт кетиши, Бўрибойваччаниннинг ўлиши – бу ҳодисаларни қиёслаш ва адиб сув ичган булоқлар хусусида мулоҳаза юритиш ҳам мумкин.

Дарҳақиқат, Ғафур Ғулом халқ орасида тарқалган бундай латифанамо ривоятларни жуда яхши билар эди. Таникли мунаққид Озод Шарафиддинов фикрига кўра: “У нафақат моҳир латифагўй эди, балки ўзи ҳам қанчадан-қанча янги латифаларни тўқиб чиқарар, кейин улар Насриддин афанди ҳақидаги ҳикоялар тарзида кенг тарқаларди”.

“Шум бола” қиссасидаги ривоятга ўхшаш воқеалардан айримлари халқ ичидан олинган бўлса, кўплари Ғафур Ғуломнинг ўз тўқималари, импровизациялари эканига шубҳа йўқ, албатта.

-2-

“Шум бола” қиссасининг бош қаҳрамони гоҳида “қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган” эртанамо манзиллардан ўтади. Қиссада халқ оғзаки ижодининг турли жанрлари, жумладан, мақоллардан ҳам намуналар келади. “Семизликни кўй кутар”, “Бир товўққа ҳам дон керак, ҳам сув керак”, “Маслаҳатли тўн тор келмас”, “Шериклик ошни ит ичмас”, “Эл оғзига элак тутиб бўлмайди”, “Ойни этак билан ёпиб бўлмайди” кабилар фикримизга мисол бўлади. Мақоллар қиссанинг турли эпизодларида ҳар хил вазиятларда турли қаҳрамонлар тилидан айтилади. Ай-

жаат этади.

Танишган одамлар кўпинча ўзаро китоблардан, билим ва саводдан сўз очдилар. Ҳожи бобо Шум болани новвойхонада учратиб эргаштириб кетар экан, ундан ўқиган китоблари ҳақида сўрайди. “Сўфи Оллоёр”нинг ярмисида қочганман” дейди. Қисса хошиясида бу жумлага “Эски мактабда савод чикқандан сўнг ўқитилдиган китоб. Каттақўрғонлик Сўфи Оллоёр деган шоир асари (XVII аср)” деган изоҳ ёзилади. Ҳожи бобо Шум боланин жавобига муносабат билдириб, сўз уйини билан айтадики: “Бай-бай, гапнинг айни қизгин жойида қочган экансан. “Жаҳаннам”дан қочган экансан-да, а, болом?”

– Ҳа, шунақа.

Чол “Сўфи Оллоёр” китобининг “Жаҳаннам қасидаси”ни қуйлай бошлади...

“Саботул-ожизин” китобидан олиб ўқи-

ато этсин Худо”ни эшитганда кўзига ёш олди. “Етим шоғирдингиз” деган имзога келганда ийиб кетди”. Ҳожи бобо унга: “Буни сен ёздингми, баччага, таъби назминг ҳам бор экан-ку...”, дейди ҳайрат ва мамнуният билан. Шум болага қора духоба қалпоқ совға қилади. Зеро, гапга ниҳоятда чечан Шум боланин шеърый қобилиятига, “Қорхат”и – “таъби назми”га биров шубҳа қилмайди.

Шум боланин шумлиги тутиб ёзган “қорхат”ида беозор ва ҳазилга мойил миллий қадриятлардан бири ўз аксини топган, деб ҳисоблаш ўринли. Қолаверса, тўққиз ёшида отасидан, ўн бешида онасидан ажралган Ғафур Ғулом юрадида етимлик изтироблари бор:

*“Етимлик нимадир –
Бизлардан сўра.
Ўинчи йилларинг*



ниқса, ҳар гапга “Яхши бузоқ икки онани эмбди” каби бир мақол қўшадиган Ҳожи бобо мусофирлик нима эканини яхши биларди; шу боис Шум болага “Киши мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайди”, дея ўғит беради.

Тақяонадаги шубҳали воқеалар гирдобидида қолган Шум бола: “Гуноҳинг бўлмай туриб, шубҳа остида яшайдан ортиқ азоб йўқ”, деган ҳаётий тажрибадан ўтган ҳикматни айтади. Ҳар бир замонга мос келадиган ва асло инкор қилиб бўлмайдиган даҳшатли ҳақиқат бу. Кимки гуноҳсиз, ҳеч бир айби бўлмагани ҳолда шубҳали шахс дея гумонланиб ойлар, йиллар давомида тинч-осойишта истиқоматига эин берилмасдан уйининг теварагида ҳаммиша хуфиялар изғиб юрганини билса, табиийки, ҳеч балони, айниқса, ўзининг мутлақо айбисиз ва асло гуноҳсиз эканини тарикча исботлай олмай, сарсон-саргардон бўлса, минг бора табиийки, энг катта азоб-изтироблари бошидан кечиради. “Гуноҳинг бўлмай туриб шубҳа остида яшайдан ортиқ азоб йўқ” – бу нафақат Шум боланин, балки Ғафур Ғуломнинг ҳам шахсий дардидек туюлади одамга. Ўз теграсидаги ижтимоий адолатсизликларни кўриб, кичик бир доирада ёзгари: “Армонларим, ҳасратларим ичимда булоқ бўлиб қайнаб ётибди, лекин минг афсуски, булоқнинг кўзига қозик қоқилган” (Ф.Абдуллаевнинг Ғ.Ғулом ҳақидаги хотираларидан). Ҳақиқатни айтишнинг йўллари, усуллари кўп. Фақат ҳақиқатнинг рангини билиш керак, фақат ҳақиқатнинг юқини сезиш керак, фақат ҳақиқатнинг кўзига тик боқиш керак. Мустабид тузум, ғайриодил жамият тўғри, ҳақгўй, покиза одамларни ҳеч қачон сийғиштирмади, тинчини бермади. Уларни азобларга, тўхматларга, синовларга, хуфияларга дуч қилди.

-3-

Бадиий асар таркибида келадиган китоблар муайян поэтик вазифа бажаради; асардаги образларга боғланиб, уларнинг билим даражаси ва дунёқарашини кўрсатади. Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссаси таркибида бир неча марта Куръони карим тилга олинади. “Ҳафтияк” – Куръоннинг еттидан бир қисми эсланади. Шум болага Қўрғонтағида Ҳасанбой домла “Устоди аввал” китобидан ўқитиб, саводини чиқаради.

Кўктеракдаги бозорни таъриф-тавсиф қила туриб: “Бай-бай, бундай бозор “Қиссас ул-анбиё”да ҳам, “Хурилик” деган китобда ҳам ёзилмаган, ҳеч қаерда – тарихда йўқ”, дея китоблар номига муро-

лаётган бу парча Ҳожи бобонинг саводи, даражаси, дунёқарашидан дарак беради. Шунингдек, Ҳожи бобонинг тақяонасидаги мижозлар “Жангномаи Абу Муслимин соҳибқирон” китобини ўқишади. “Ахлоқи Муҳсиний” аса бозордаги Кўса воиз тилидан ўз шажараси муносабати билан тилга олинади. Бадиий асарлар таркибидаги китоблар, асарлар тарихий давр муҳитидаги китобхонликни англатишга ёрдам беради.

Китобдан одам баҳра олиши лозим. Китоиб инсоннинг маънавиятини юксалтириши, ҳаётига мазмун бағишлаши керак. Акс ҳолда одамнинг тўрт оёқли жонивордан фарқи қолмайди. Шунинг учун асарининг бир ўрнида Шум бола фойдасиз ишга нисбатан “китоб ортилган эшакдай бебаҳра қолавераманми”, деб ўхшатиб ёзгари.

-4-

Ғафур Ғулом – шоир. Насрда ҳам унга шеър бегона эмас. Шунинг учун “Шум бола” асари матнини шеърый парчалар билан зийнатлайди, музайян қилади. Зеро, қисса Ғафур Ғуломнинг лирозепик тафаккури маҳсули ўлароқ майдонга келгандек таассурот қолдиради. “Шум бола”да шиддат ва ўзига хос маҳзун, юмористик ички оҳанг бор. Ундан ортиқ назм парчалари берилган қисса шеърый асардек ўқилади.

*“Дарёларнинг ул юзида
Уйларингиз-а, ёр-ёр.
Оқаришиб кўринади
Бўйларингиз-а, ёр-ёр”.*

Бундай шеърларнинг асарияти халқ оғзаки ижодида тегишли. Айрим ўринлардаги қўшиқлар қаландарларнинг “Ё олло дўст, ё олло. Ҳақ дўст, ё олло” каби зикрларидан иборат. Шунингдек, зарур эпизодларда мумтоз адабиётдан, дейлик, Сўфи Оллоёрнинг “Саботул-ожизин” китобидан:

*“Жаҳаннам узра бир кўприк эрур, ох,
Ушал кўприк Сирот отлик гузароғоқ.
Қилчидан тез эрур, қилдин инегича,
Пушаймонлар ўшал кун тушгай ичка”,* – деган парча олинади.

Қиссанинг охирига келиб, қиш кириб, илк қор ёғиши муносабати билан Шум бола қорхат ёзади. “Қорхат бу турур: Қорни ёғдирган худойимнинг ўзи, Хат бориб тегсин, кийим-бошининг сўзи. Ҳожи бобо, биласиз, зенимда йўқ, Ўз пулимга олғали кўйимда йўқ...” Табиийки, “етим шоғирдингиз” ва илҳомига Ғафур Ғуломнинг ўзи котиблик қилади. Шум бола тақдим этган шеърнинг муҳокамаси ҳам қизиқ: “Етти марта Ҳаж

*Саргардонлиги;
Исми арапаш
Кўрқинч туш каби
Хаёл кўзгусидан
Ўчмайди сира.
Мен етим ўтаман,
Оҳ, у етимлик...”*

Орадан йиллар ўтган бўлса ҳам, бу азоб-ўқубатлар шоирнинг “хаёл кўзгусидан” асло ўчган эмас.

-5-

Ғафур Ғулом ўз қаҳрамонларини маҳалласи, теварак-атрофидан топади. Шум бола характерига ўз табиатидаги қитмиро-на-юмористик бегубор кайфиятини юқтиради. Қиссадаги Ҳожи бобо характери хусусида адибнинг шундай эътирофи бор: “Ҳожи бобога марҳум дадамнинг кўп қизик хислатларини, сўзларини шундоққина ёзиб қўя қолдим. Дадам ҳам кўчада юрганларида ҳассаларининг учи билан йўлдаги қоғозларни титиб кўрардилар, нон тушиб қолган бўлса, олиб ўпардилар, кўзларига суртиб, кейин девор қовағигами, баланд-роқ жойгами кўярдилар. Ҳожи бобо ҳам шунанга қилади” (Саид Аҳмад хотираларидан). Шум боланин бошида тухум чақилиши ҳодисасининг ҳам биография асослари бор. Назаримда, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасини муаллиф эътирофлари, архивдаги манбалар, мактублар, замондошларининг хотиралари негизда биографик метод асосида бемалол ўрганиш мумкин.

Қиссанинг умрбоқийлик сирлари, жозибаси, яшовчанлиги, ўқувчиларини ўзига оҳанрабодек тортиб туриш қуввати – булар кўплаб мулоҳаза ва муҳокамага муносиб, албатта.

Ғафур Ғулом қиссасида англаш лозим бўлган “эзопона тил” ҳам маъжуд. “Шум бола” фақат қулги, пичинг ёки Шум боланин саргузаштлари баёни учунгина ёзилган эмас. Дарҳақиқат, Шум бола образи Ғафур Ғуломга ўз ҳаёт фалсафаси, давр талотўллари, катта-кичик одамлар қиёфаси, инсон табиатидаги эврилишлар, рост ва ёлгон, олим ва жоҳил – шу тоифадаги бир дунё тушунчаларини бадиий талқин этиш имконини беради. Ижодкор ҳаёлида воқелик гужгон юради; дарди бўлади. Йўсинини, усулини, баён тизимини тополмай қийналиши мумкин. Шум бола образи – Ғафур Ғуломнинг бахтли топилдиғи. Қолаверса, Шум бола ўз ҳолини, кўрган-кечирганларини ўзи сўзлайди. Қиссанинг эстетик қиймати белгилашда воқеликнинг бундай баёнига ургу бериш ҳам муҳим, албатта.

Баҳодир КАРИМ

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

“Овоз” лойиҳаси пайдо бўлганидан бери куй-қўшиқ ҳақида яна ўйлай бошладим. Ўтган аср Европа эстрадаси ва операсини тинглашга кучли эҳтиёж уйғонди. Ва уйда тинглаб юриш, баҳонада болалар қулоғида қолиши учун қўшиқлар рўйхатини тузишим зарурлигини тушуняпман. Негаки, бугунги ярадор дунё буюк тоқатга, кенглигига биродарликка, ўзигидан кечмаган космополит тафаккурга ниҳоятда муҳтож. Сара куй-қўшиқ руҳий тўсиқларни енгадиган, ички ҳурриятга олиб борувчи, “мен” деган майда қобилчани ёрувчи осон йўллардан бири.

ЎЗИНГДАН ЎЗДИНГ – ЎЗГАДАН ЎЗДИНГ

Масалан, Крис Ри ёки Демис Руссос нолаларида дард ва сайқалланган овоздан ташқари чексизлик, олий уйғунликка интилиш бор. Юксак санъатни яратиш учун дард ва овознинг ўзи қифоя эмас, хурлик ҳисси, само соғинчи ҳам ҳаводек зарур. Ўшандагина хонанда ишқиди жаҳонни сифдари олиш ҳолатини чиқариб бера олади. Ботир Зокировнинг “Маро бибус”ида шу кайфият чиққан, яъни коинот ўз сирини очган, туйғулар буюк маъно томон талпинади, ичингдаги қул қувилди.

Тансен Акбаршоҳ саройидаги мусиқачи эди. Ҳукмдор энг яхши ҳофизу машшоқларни, сара шоиру файласуфларни фақат ўз даргоҳида кўришни хоҳларди. Минглаб мусиқачилар орасидан Тансенин танлаб олади. Қаердаки Тансен бўлса, ўша атрофда ҳеч ким ҳеч нарса ижро этмасин, дея фармон чиқарилади. Кимки унинг санъати билан беллашишга журъат топиб, баҳсада ютқазиб қўйса, ўша захотиёқ ё зиндонбанд қилинади, ё саройдан бадарга этилади. Кўплаб мусиқачилар бу савдога гирифтор бўлганди.

Баужу Бавара эса тақдирга тан бермади. Баужу исми, Бавара тахаллуси эди. Бавара – телба, дегани. Унинг ҳаётдаги бирдан бир орзуи санъатда қўл етмас юксакликка кўтарилса, ҳатто Тансен ҳам таслим бўлса... Тансен унинг учун рақобат мезонига айланганди. Кунига йигирма тўрт соат ишларди. Охири сабогини мукамал қилиш мақсадида мураббий Харидаснинг ҳузурига боради. У Тансенин ҳам устози эди.

– Бир кун келиб Тансендек санъаткорнинг устози бўлишим мумкинлигини ҳечам ўйламагандим, – дейди фахрлиниб Харидас. – Сен ҳам ажойиб мусиқачисан. Ягона камчилигинг, кимдандир ўзини хоҳлайсан. Ахир, бу истакнинг мусиқага ҳечам алоқаси йўқ-ку. Мана шу нарса истеъдодинг кучини кесади. Тўғри, ноёб овозинг бор, маҳорат билан чаласан, лекин юрагинг мусиқага тегишли эмас, орзу-ҳавасга қарам. Агар номаъқул ниятингдан овоз бўла олмасанг, ҳеч қачон Тансен билан бўйлаша билмайсан. Унда рақобат туйғуси бўлмагани боис ҳам ҳаммиша ғолиб.

Баужу Баваранин ўзини енгиши осон эмас эди. Майли, сўйкур орзу бўлса-да, азбаройи шу туйғули ҳаётини санъатга бағишлади. Лекин устозининг танбеҳи ҳам ўринли. Вақт керак, бу-да бир риёзат... Бора-бора аста-секин Тансенин унута бошлади...

Орадан йиллар ўтди. Қария Харидаснинг икки оёғи ҳам ишламай, юрولмай қолди. Остона ҳатлаб чиқолмасди. Қанийди, ҳеч курса уйи яқинидаги Қришна ибодатхонасига бора олса... Чунки Қришнага юқунмасдан, туз тотишни ўзига эп кўрмасди. Қанчадан-қанча ҳақимлар бу зотнинг дардига дармон излади, барибир тузаламди.

Устозининг аҳволидан дарак топган Баужу Бавара ўша захотиёқ қишлоғидан етиб келади. Эрта тонгда, айнан Харидас қўнағидан маҳалда ибодатхона деворига суянганча хоних кўла бошлади. Баужу қуйлаётган қўшиқдан шундай маъно сизиб чиқарди: “Дийдорингни кўрмоққа интизор кўзларим... Ўтинаман, оёғимга куч бер. Айт, айбим нима, нега сени кўришдан маҳрумман? Мендан юз ўгирма...”

Санъаткорнинг мўъжизакор навосидан куч олган Харидас оёққа туради, шукрона айтмоқ учун ибодатхонага қадар юриб боради. Ибодатдан сўнг уйига қайтаётиб шоғирдига озланади: – Энди Тансенин ёнида бемалол қўшиқ айтишинг, беллашинг мумкин. Чунки сен мусобақалашини хоҳайдиган, яъни биринчилик истагидан халос бўлибсан. Табригимни қабул эт. Санъатинг хаста оёғимники даволай олдимки, демак, ҳар қандай қулфга тушадиган сеҳрли калит соҳибсан.

Баужу Бавара устози Харидаснинг нигоҳига ўйчан боққанча, таажуб оҳангидида жавоб берди:

– Буни қандай тушунмоқ керак?... Мен фақат мусиқани севаман, ёлғиз қўйга ошуфтман. Тансен деган исми мутлақ унутдим. Ким биландир беллашмоқ истаги болаларча гўр хоҳишим бўлган. Сиз ҳақ эдингиз – ўшанда мен мағлуб эдим. Ҳозир ҳам ҳақсиз. Лекин қалбимда ғолиблик даъвосининг ўзи йўқ.

Харидас мамнун ҳолда шоғирдини бағрига босади:

– Баужу, ўғлим, сен чиндан баварасан! Менинг телбамсан! Ҳозир шу даража юксалгансанки, ишон, Тансендан ҳам ўзгансан!

Санъат сотиладиган буюм ё мусобақа майдони эмас, мезонларга сиймайдиған тилсим эканини англаган Шахсуна турфа хил кимўзар уйинларни инкор этади. “Мен” деган даҳшатли занжирдан озод бўлмас экансан, ўзингни хоҳ ўтга ур, хоҳ чўққа, барибир қўланкасан, холос. Бунинг учун ижод мураккабага айланиши зарур.

Иқбол ҚЎШШАЕВА
фейсбук саҳифасидан олинди



ТАДБИР

КИТОБХОНЛИК
БАЙРАМИ

Шундай тадбирлар бўладики, улар нафақат бугунги кун, балки келажак учун ҳам самарали хизмат қилади. Ҳеч кимга сир эмас, сўнгги йилларда Президентимиз ташаббуси билан китобхонлик ва кутубхоналар фаолиятини ривожлантиришга оид бекиёс ишлар амалга оширилмоқда. Зотан, китобсевар инсондан ёмонлик чиқмайди ва у жамиятга ҳам кўп фойда келтиради. Мамлакат салоҳиятини юксалтириш айнан зотан ва билимдон инсонлар қўлида экани ҳеч кимга сир эмас.

Бир неча йилдан буён ҳар йили апрель ойида юртимиз бўйлаб "Китобхонлик ҳафталиги" ўтказиб келинаётгани ҳам амалда яхши натижа бермоқда. Ушбу тадбир аҳоли, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак намунада чоп этиш, нашриётлар ва ижодкорлар фаолиятига кўмаклашиш, болаларга мўлжалланган адабиётлар нашр этилишини қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсадларни ўз ичига олади. Шунингдек, ҳафталик давомиди янги бадиий асарлар яратиш, жаҳон адабиёти сара намуналарининг она тилимизга таржима қилиниши масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳафталик доирасида китоб савдосига тегишли тартиб-қоидаларни соддалаштириш, нашр этилган китобларни ўқувчиларга етказиш, акробот-кутубхона марказларини янги китоблар ва уларнинг электрон нусхалари билан мунтазам тўлдириб бориш масалалари ҳам муҳокама қилиниб, қизиқarli таклиф ва ғоялар ўртага

ташланмоқда. Шунингдек, жамиятда китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва танловларни ташкил этиш, кутубхоначиларнинг билими ва малакасини ошириш каби масалалар ҳам эътибордан четда қолмаяпти.

Жорий йилнинг 22–26 апрель кунлари Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида "Китобсевар миллат" шiori остида ўтказилган IV республика "Китобхонлик ҳафталиги" ҳам айнан ана шу жиҳатлари билан эсда қоларли бўлди. Унинг доирасида юртимизда китоб савдо ярмаркалари, янги чоп этилган асарлар тақдими, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар, улар иштирокида "маҳорат дарслари", давра сўхбатлари ҳамда танлов ва акциялар, маданий дастурлар ташкил қилинди. Бу борада Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон ноширлари ва китоб савдоси ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳамда маҳаллий ҳокимликлар яқиндан кўмак берганини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Муҳими, китобхонлик ҳафталигининг мактаб, лицей каби таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши амалда яхши натижа бермоқда. Демак, одамларнинг китобга, мутолаага қизиқишини оширишга хизмат қиладиган бундай тадбирларни қанча кўп ўтказсак, натижаси ҳам юқори бўлади.

Умида ТЕШАБОВЕВА,
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
директори

БУ КИТОБНИ ЎҚИДИНГИЗМИ?

Яқинда Урганч шаҳрида филология фанлари номзоди Сайёра Самандар ва тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Умид Бекмуҳаммад ҳаммуаллифлигида "Хоразм жадидлари: ислохотлар, таълим ва адабиёт" монографиясининг нашр қилинганини ўзбек жадидшуносларининг навбатдаги ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, Исмоил Ғаспрли томонидан асос солинган ва "Тилда, фикрда, ишда бирлик" шiori билан чинакам маънода янги Ренессанс феноменини юзага келтирган ушбу маърифатпарварлик ҳаракати туркий халқлар тарихининг ёрқин ҳақиқатларини ташкил қилади.

Мазкур ҳаракат фаолиятига теран назар солсак, жадидлик туркий муслмон халқлар тарихида ҳақиқатан ҳам ноёб ҳодиса эканига амин бўламиз. Негаки, истиқболли стратегияга эга, амалий фаолият бобида

ўқитувчилар таклиф қилинганига оид қизиқarli тарихий фактлар қаламга олинган.

Асарда Хоразмда жадидлар ташкил қилган мактаблар, улардаги ўқиш усули ҳамда дастлабки жадид

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛ

дадил ва шиддатли бўлган бундай фидойилар ҳамма даврларда ҳам пайдо бўлавермайди.

Монографияда Қримда юзага келган жадидлик ҳаракатининг туркий муслмон халқлари тарихи ва тақдирини тўғри ўқиб олишга ҳақиқатан ҳам кўп ёрдам берган. Шунингдек, унда "Таржимон" газетасида 1883-1916 йилларда Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳақида чоп этилган 158 та мақолани чуқурроқ ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилиб, ушбу заминда кечган маърифатпарварлик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари, жамият ривожини ва оддий инсонлар ҳаётига таъсири тадқиқ этилади.

Хива хонлигида бош вазир лавозимида хизмат қилган Исломуҳаммад томонидан амалга оширилган ислохотлар ўша давр жамияти учун катта янгилик бўлган эди. Монографияда Ферузон, Асфандиёрхон каби ҳукмдорларнинг жадидларга хайрихоҳлик билан қараб, ўзлари ҳам янги мактаблар очишгани ҳамда уларга Қозон ва Оренбург шаҳарларидан

муаллимлари тўғрисида ҳам илк бор аниқ манбалар асосида ҳикоя қилинганини ҳам қайд этиш ўринлидир.

Бундан ташқари, муаллифлар ўлка жадидларининг адабий меросини янги раҳмат таҳлил қилиш борасида ҳам муайян ютуқларга эришган. Айниқса, таниқли маърифатпарвар Бобоохун Салимовнинг ижодий фаолияти, машҳур шоир Аваз Утар ҳаёти ва ижодининг жадидларга боғлиқ жиҳатлари ишонarli далиллар, янги қарашлар асосида ёритилгани эътиборга лойиқ. Монографияда Муҳаммадшариф Суфизода ва Ҳамза Ҳакимзодиннинг Хоразм заминда кечган ҳаёти ва фаолияти ўлкадаги жадид адабий муҳити билан уйғун ҳолда таҳлил этилгани ҳам мантиқан ўринлидир.

Шу ўринда заҳматкаш олимлар томонидан Аваз Утарнинг "Тил", "Мактаб" ва "Хуррият" каби маърифат ғояси билан сўғорилган шеърлари янги тақдирда таҳлил қилингани каминга анча манзур бўлди. Тарихдан маълум, Аваз Утар сил хасталигига чалинган, 1905-1906 йилларда

даволаниш учун Кавказ ва Қримга борган. Уша сафари асосида Бокуда озарбайжон жадид мактаблари фаолияти билан яқиндан танишган. Монографияда ҳам Аваз Утарнинг Тоҳирзода Собир (1860-1911) сингари Озарбайжон шоирлари билан учрашиб, дўстлашгани ва кейинчалик ҳам улар билан ижодий алоқада бўлгани акс эттирилган. Қолаверса, Аваз Утарнинг Озарбайжонда Султон Маждид Ғанзода (1886-1937) ташкил қилган мактабларни кўздан кечиригани, Сафарали Валибийев (1861-1902)нинг "Ватан тили", "Усули жадид", "Лисони форсий" ном-



Озарбайжон илмий жамоатчилиги учун ҳам фойдалидир. Каминанинг шу йил 1 май кuni Озарбайжондаги АЗЕРТАҒ ахборот агентлиги орқали эълон қилинган "Озарбайжон маърифатпарварларининг Хоразм жадидлари билан ҳамкорлиги тарихига бағишланган монография" сарлавҳали мақолада масаланинг мана шу жиҳатларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилган.

Тўғриси, ўзбек ҳамкасбларимизнинг ушбу монографияси билан танишиш жараёнида хоразмлик зукко мунаққид ва шоир Баҳодир Содикнинг "Хотира уйғонса гўзал", деган гўзал сатри ёдимга тушди. Ҳа, хотира уйғонса гўзалдир. Шу маънода, ушбу монография орқали хоразмлик фидойи жадидларнинг порлоқ хотирасини ўйғотмок, уларнинг ибратли ишларини бугунги ва келажак авлод вакилларига яқиндан таништиришнинг аҳамиятини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди. Изланувчан муаллифлар шу кунларда яна бир нечта илмий лойиҳалар устида биргаликда ишлаётганидан хабарим бор. Бундай эзгу ва савобли йўлда уларга оғир ва муваффақиятлар тилаб қолам.

Алмаз УЛВИ,
филология фанлари доктори,
профессор.
Озарбайжон

ЯНГИ ТАРЖИМА

Кафка китобининг тақдироти – миллий маънавиятимиздаги воқеадир. Биз яқиндагина Жалолиддин Румий "Маснавий"си таржимаси нашр этилганда шундай ҳаяжонни бошдан кечирган эдик.

Аввало Кафка ва "Қалъа" ҳақида... Кафка қаттиқ иситма, безгак ичида ёзгандек туюлаверади менга. Бу унинг мигрень билан оғриганидан миямда туғилган параллелдир эҳтимол. Лекин илҳом ҳам аслида, қаттиқ иситмага, тал-васага ўхшайди. Демак, Кафка ҳамма вақт кучли илҳом, жазаво ҳолатида ёзган бўлса керак.

"Қалъа" қандай дунёга келган? Нима учун ёзилган?

Кафка сўғурта компаниясида ишлайди. Ҳар кун тепадан ўнлаб топшириқлар келади, унинг бажарилган-бажарилмагани билан эса ҳеч ким қизиқмайди. Ходимлар уззукун ҳисобот ёзишу турли қоғозларни тўлдириш билан банд. Даста-даста қоғозлар ундан бунга – бундан унга оширилади. Ярим кунда бажариш мумкин бўлган ишни ҳафтада судрашади ва ҳоказо.

Бу ишларнинг ҳаммаси нимага керак, фойдаси нима – буни топшириқ бераётганлар ҳам, бажараётганлар ҳам билмайди. Лекин ҳамма ўзини муҳим иш билан шуғулланаётгандек тутади. Маҳобатли бюрократия машинаси эса миллионлар ҳаётини мажарлаганча тинмай айланишда давом этади, этаверади...

Мана шуларнинг бари Кафкага беъмаънилик бўлиб туюлган. Булар инсон ҳаётини беъмаъниликка, абсурдга айлантиради деган хулосага келган.

"Қалъа" бюрократиянинг мудҳиш моҳиятини, энг олий қадрият бўлган инсон ҳаётининг қадрсизланишини англашдан туғилган. Кафка сўғурта компаниясида кўрганларини шу тариха романга айлантирган.

Аслини олганда бугун ҳам биз ўша абсурддан халос бўла олганимиз йўқ. Офис ҳаёти, атай натижасизликка маҳкум этилган бехуда югур-югурлар кўринмас дахшати билан давом этапти. Мана, жаҳоний абсурдга бир мисол: 3.Фрейд XX аср бошида биринчи жаҳон уруши муносабати билан шундай ёзган эди: "Уруш ичимиздаги "ёвуз руҳлар"ни уйғотиб юборди – ваҳоланки, биз уларни асрлар мобайнида маърифат ва маданият (unserer Edelstein) воситасида абадулобада жияловлаб олдик, деб ўйлаган эдик". Афсуски, одамзод орадан бир аср ўтиб ҳам ўзгармади. Фрейднинг гапи ҳамон ўз кучида турибди. Бугуннинг абсурдлиги шундаки, халқаро миқёсдаги мулоқотлар, йигинлар, ўзаро таҳдидлар, давлат раҳбарларининг кўнғироқлашувлари – булар-

АБСУРДГА ҚАРШИ

ИСБЁН

нинг бирортаси теваригимиздаги мудҳиш урушларни тўхтата олаётгани йўқ. Дунё худди "Қалъа"даги сингари бир-бирини эшитмай қўйди. Масалалар муҳокама қилинади, ажойиб қарорлар қабул қилинади, одамлар кечая кундуз демай ишлайди – лекин ҳаётда ҳеч нима ўзгармайди. "Қалъа"дагидек уюм-уюм қоғозлар ичида яшаймиз...

Хуллас, одам ўз йўриғида кетаётгандек туюлган ҳаёт воқелиги фожиясини англамаслиги мумкин. Адабиёт ўшани ўқувчига ёрқин-аниқ курсатиб беради, уни бизнинг кўзимиздан яшираётган кундалик майда-чуйдалардан ажратиб-тозалаб рўпара қилади.

Кафка инсон ҳаётини абсурдга айлантираётган шундай воқеаларни тасвирлаганики, юрак ўйнаб кетади. Масалан, амалдорга жазман бўлишни хоҳламаган Амалиянинг оиласидан бутун қишлоқ юз ўгиради. Қалъага кўнғироқ қилинса, ҳеч ким жавоб бермайди, гўшақдан шовқин ва мусиқа эшитилади, холос. К. гаплашиши керак бўлган амалдорлар қилиб, уларнинг оймичалари билан мулоқот олиб боради. Хасталаниб қолган, қариб-чуриган оқсоқол мурожаатчиларни тўшағида чўзилиб ётганча қабул қилади. Кафка сокин додлайди: "К. ҳеч қарерда бундагидек хизмат билан шахсий ҳаёт чирмашиб кетганлигини кўрмаган".

Кламмга ўхшаган ниҳоятда масъулиятли амалдор нуқул ухлагани ухлаган. Жамият бошқарувидаги амалдорларни оддий халқ умуман кўрмаган. Қишлоққа тановчи керак эмас, аммо бутун роман шу воқеа асосига қурилади. Ишнинг тагига етгунча ўттиз ёшли К.нинг бутун умри ўтиб кетади... Хуллас, абсурд.

Кафканинг асарлари зерикардидек, кучли ҳаяжонлантирадиган драма-трагедиялари йўқдек туюлади. Жумладан, "Қалъа"

ҳам шундай. Буни таржимон ҳам "Сўзбоши"да таъкидлаб ўтган. Лекин ўқийверсанг, ҳаммаси танишдек, ҳаммаси юрагингни ўртаб бораверади. Айрим жойларини қайта-қайта мутолаа қиласан. Хуллас, тагига чизиб-чизиб ўқиладиган китоб.

Энди асар таржимаси ҳақида.

"Қалъа"нинг таржимаси тарихий воқеадир. Жаҳон адабиётини Вафо Файзуллоҳдек кўп ва чуқур биладиганлар адабий жараёнимизда кўп эмас. Унинг таржималари ўзи бир дунё. Биз адабиётсеварлар биригина "Жараён"нинг таржимаси учун шоирдан беҳад миннатдоримиз.

Бугун эса, мана, "Жараён"нинг давомидек "Қалъа" кўлимизда турибди. Роман ниҳоятда ўзбекча жанрланган. Мутаржим ўзбек тилининг имкониятларини шундай ишга солганки, таржиманинг фақат тилшунослик тарафи тадқиқ этилса ҳам, яхшигина тадқиқот пайдо бўлади деб ўйлайман.

Роман ниҳоятда кучли ирония, истеҳзо билан ёзилган. Таржимон киноя кучини "Сардинибой", "бекаойим", "хотинча" каби ўзбекча сўз шакллари билан ҳам беради.

Бир қарашда арабча, архаик сўзлар таржиимада кўпдек туюлади. Аммо улар ҳам айнан Кафканинг кинояларини оптимал бериш учун қўлланган. Масалан, таржимон канцеляриявий бюрократия дабдабасини "сени графлик мулкидан ихрож қиламиз" деган архаизм билан ифода этади. "Алми-соқдан қолган, оҳори учиб кетаётган лахта" деб таърифланган графлик байроғини дабдабали ва ҳеч ким тушунмайдиган "аълам" сўзи билан беради. Хуштори ҳақида хотираларини эри билан энтикиб йиллаб муҳокама қиладиган бекага Кафканинг истеҳзосини "ақди никоҳингиз" деган жумлада ифода этади. Бу ҳолларнинг бариди ирония ҳадди аълосига чиқади.



Вафо Файзуллоҳ таржиима баҳонасида қарийб бутунлай унутилаётган, харакатсизлигидан фалажланиб қолган сўзларимизга ҳаёт бағишлаган. Мана улар: ойтовок, падари қусир, данбал, пула ва х.к. Бочка сўзини эса ўзбекча талаффузда "бўчка" деб ишлатади. Тилимиз унча келишмайдиган "ноил"ни "нойил" дейди.

Энди таржиманинг бошқа жиҳатларига ҳам тўхталсам.

Бадиий асар таржимаси нозик ҳодиса. Баъзи ижодкорлар таржимани "бировнинг томорқасида қора тер тўкиш" деб билади ва кўл урмайди. Баъзилар шахсий манфаат учун ишлайди, ўғирманинг кетидан шон-шухратми, тўрт танга топишними кўзлайди. Бунинг ҳам ҳеч бир ёмон жиҳати йўғу, аммо гап сифатда.

Лекин бир тоифа бор – росмана мажнун ижодкорлар. Улар ўзи ўқиб маза қилган асардан бошқалар ҳам бахра олсин, дейди. Алишер Навоий ҳам "Лайли ва Мажнун"ни шу мақсадда ёздим, дейдилар. Кўп яхши қиссалар форсча эди, туркийлар ун ўқиб бахра ололмасди, "Мен туркча бошлабон ривоят, Қилдим бу фасонани ҳикоят. Ким, шухрати чун жаҳонга тўлғай, Турк элига доғи бахра бўлғай", дейдилар.

Яна шуки, ўша "мажнун"лар таржиима орқали дардларини ҳам айтиб олади.

Баъзан адиб ҳеч нарса ёзмай, қаламига тош боғлаб сув тубига отиши мумкин – бу ҳам аслида санъаткорнинг ўзига хос сўзи, воқеликка муносабатидир. Таржиима ҳам шундай деб ўйлайман – ҳаммасини қўриб туриб, айта олмаётган ижодкорнинг изтиробидир. Фикрлаётган одамнинг дунёга айтаётган сўзи, ижодкорнинг мажоз усулларидан биридир.

Вафо Файзуллоҳ ўзи бахра олган асардан ўзгалар ҳам бахра олишини истаган,

ҳеч бир манфаат кутмай, таржиима орқали фикрлаётган ижодкордир.

"Қалъа" – таржимоннинг ҳиссиётлари ёвузлашган дунёга муносабати. Бу таржиима Шоирнинг инсон ҳаётини абсурдга айлантираётганларга қарши раддиясидир. Асарни Вафо Файзуллоҳнинг олам, жамият, одамлар, ижтимоий тузилмаларга оид нуқтаи назари деб қабул қилдим.

Яна бир фикрим бор: адабиётшунослик илми бугун профессионал ва непрофессионал таржимани, таржимонни ажратиб олиши керак. Шундай таржималар борки, маҳоратни у ёққа олиб қўя турайлик, хатто айрим гапларнинг маъносига тушуниб бўлмайди. "Таржимон" тилини ҳис қилиш у ёқда турсин, эга-кесимини жойига қўйиб гап туюлмайди... Ҳа, майли. "Қалъа"нинг таржимони Абдулла Қаҳҳор, Қодир Мирмуҳаммедов, Алибек Рустамий, Иброҳим Ғафуров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Одил Иқром каби олий даражали мутаржимлардан. Улар дунё адибларини ғирт ўзбекча гапиртирганлар ва гапиртиряптилар.

Туғалланмаган бир асарни таржиима қилишнинг ўзи ажабланарли. Бу ишга кўл урилибдими, демак, у шу ҳолича ҳам муҳим асар. Сираси, муаллифи ёзиб тугатган асарлар ҳам бунча эътиборга сазовор бўлмаган.

Кафка дўсти Макс Бродга асарининг қандай яқунланиши ҳақида айтган. Унга кўра, К. умри охиригача қишлоқда яшаш ва ишлашга ружсат берилади... Лекин Кафка асарни тугатмай ташлаб қўйган. Бунга ҳам қандайдир сабаб бўлса керак-да. Эҳтимол, ўзи ўйлаган яқун Кафканинг ўзига ёқмагандир. Шундан келиб чиқиб, асар ниҳоясига етказилганда ҳам яқун бўлмастди – барибир узилиб қолаверарди. Бу – Кафканинг одамзод ўзи ўйлаб топган бюрократия тугдирган абсурднинг тугамаслигига ишораси бўларди.

Дарвоқе, асарни ҳар биримиз ўзимиз тасаввуримизда давом эттиришимиз мумкин. Хўш, агар асарни Вафо Файзуллоҳнинг ўзи давом эттирса, у қандай яқун топарди? Адабиётга шундай тажрибалар ҳам керакдир? Худди, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Донишманд Сизиф"и каби тажрибалар...

Галимининг охирида айтмоқчи бўлганим шуки, "Қалъа" – Кафканинг Сизиф тошидек узлуқсиз айланаверадиган абсурдга қарши исбён бўлган. Уни мутолаа қилиш, умуман, мутолаа – кундалик абсурдга қарши исбён.

Бу исбён барчамизнинг қалбимизда авж олмоғини тилар эдим...

Нодира АҒОҚОВА



ТАБДИЛ

“КЎМАК”ЧИЛАРДАН ХОТИРА

Германияга буюк умидлар билан тахсил олиш учун борган талабалар томонидан 1923 йилнинг биринчи сентябрида ўзбек тилида эски ўзбек ёзувида илмий, адабий, ижтимоий “Кўмак” номли журнал нашр қилинади. Журнал манзили “Берлин-Шо-неберг, Стубенрауштрассе” 4-уйда жойлашган бўлиб, “Озод Шарқ” босмаханасида чоп этилади. Унга Сайид Али Хўжа масъул муҳаррирлик қилади. Журнал ўзига “Билим Оврўпададир!” деган гапни шior қилиб олади. Унинг мундарижасидан талабалар томонидан ёзилган ил-


мий, ижтимоий мақолалар, бир қанча шеърлар ўрин олган. Эҳтиром рамзи ўлароқ талабалар журналда Чўлпоннинг “Кетганинда” шеърини ҳам беришади.

“Кўмак”да Аҳмад Шукрий, Сайид Али Хўжа ёзган асарлари билан қатнашади. Жами 28 саҳифадан иборат бу журналнинг кейинги сонлари чиқмайди. Берлиндаги талабалардан ягона ёдгорлик бўлган бу журналдаги манбаларнинг ўзи ҳам уларнинг қалбини, орзу-интилиш ва дунёқарашини тасаввур қилишга ёрдам беради. Оврўпага бориб чуқур билим олиш

ва юртига қайтиб Ватанга хизматни ният қилган бу талабалар жадидлар эди. Улар Туркистон турмуш тарзини, инсонлар фикрини янгилашга, ўзгартиришга бел боғлаган эдилар. Таассуфки, уларнинг орзулари армонга айланди. Бу аччиқ тарих, бу талабаларнинг қисмати. Муҳтарам “Jadid” ўқувчиларига “Кўмак”дан олинган айрим манбаларни тақдим этамиз.

Б.Муҳаммад НУР

Изоҳ: Суратда “Кўмак” журналининг муқоваси



ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Жўрабоев Охундада – 1898 йили Наманган шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда Хонербод тайёрлов пункти мудирини бўлган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Хотин-қизлар озодлигига қаршилик кўрсатишда, жисмонан куч қўлланганликда айбланган. Ҳукумат аъзоларини ҳақорат қилиб, халқ душманларини мақтагани учун Ҳибсга олинган.

Эрмуҳаммедов Содиқжон – 1892 йили Наманган шаҳрида туғилган. Аксилинқилобий фаолияти учун 1932 йили 5 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

“Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлимининг 3416-иши бўйича айбланган. Яширин муҳокамаларида фаол қатнашиб, совет ҳокимиятига қарши курашгани учун отувга ҳукм қилинган.

ҚАТАФОН ҚУРБОНЛАРИ

Муртархонов Исахон – 1879 йили Чуст шаҳрида туғилган. Ҳибсга олинган вақтда артель аъзоси бўлган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотининг фаол аъзоси сифатида аҳоли орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган. Монархик тузумни мақтаб, совет ҳукуматига қарши курашганликда, фуқароларни хорижга чиқиб кетишга тарғиб қилганликда айбланган. ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлимининг 12568-сонли иши бўйича 10 йил муддатга меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилган.

Йўлдошқориев Абдуллажон – 1884 йили Наманган шаҳрида туғилган. Наманган шаҳар думаси ва Қўқон мухторияти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда қишлоқ матлубот жамияти омбор мудирини бўлган. “Шўро Исломи” ва “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилотлари билан алоқадорликда, Матлубот кооперациясида колхозчилар норозилигини келтириб чиқариш учун онгли равишда нон таъминотини камайтириб, кўпорувчилик, зараркундалик ишларини олиб борганликда айбланган. ЎзССР ИИХК Наманган шаҳар бўлимининг 3365-сонли иши бўйича 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Муддат 1937 йил 12 октябрдан ҳисобланган.

Қодиров Насриддин – 1886 йили Наманган шаҳрида туғилган. Шаҳар думасининг собиқ аъзоси, “Шўро Исломи” аксилинқилобий ташкилотининг котиби сифатида қамоққа олинган. Ҳибсга олинган вақтда у ишсиз бўлган. Мактабда ўқитувчилик қилган йиллари аксилинқилобий, мағлубиятчилик қарашларни тарқатиб, аксилинқилобий, таслимчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 4 октябрдан ҳисобланган.

Нуриддин Қориев – 1889 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1931 йили 8 йил қамоққа ҳукм этилган. Ҳибсга олинган пайтда Ашхобод шаҳрида давлат банкида иқтисодчи бўлиб хизмат қилган. “Ун саккизлар гуруҳи”, “Миллий иттиҳод” ва “Нашир маориф” аксилинқилобий ташкилотлари аъзоси сифатида аҳоли орасида муттасил аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда ва аъзолар ёллаганликда айбланган.

Раҳмонов Тожи – 1882 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1932 йили “Миллий иттиҳод”, “Жамияти исломия” ва “Нашир маориф” аксилинқилобий ташкилотларининг аъзоси сифатида жавобгарликка тортилган. Қамоққа олинган вақтда Ҳимоячилар коллегияси аъзоси бўлган. Яширин йиғинлар муҳокамаларида, мағлубиятчилик тарғиботига иштирок этганлик ва аксилинқилобий ташкилотларга аъзолар ёллаганликда айбланиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Муддат 1937 йил 29 августдан ҳисобланган.

Усмонов Файзулла – 1888 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1931 йили 8 йил қамоққа ҳукм этилган. Қурувчи бўлган. “Жамият Исломи” ва “Миллий иттиҳод” ташкилотлари аъзоси сифатида нолегал йиғинларда иштирок этиб, аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси, 1-банди ва 67-моддаси билан 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Жазо муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган.

Раҳмонов Хожиакбар – 1893 йили Наманган шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Чор армиясига прапорщик бўлгани учун қамоққа олинган. Ўзбек бирлашувининг Намангандаги бўлимида ишлаган. Душман томонидан тинч аҳолининг отилишига гувоҳ бўлгани, аҳоли орасида аксилинқилобий руҳида тарғибот олиб боргани, аксилинқилобчиларнинг нолегал йиғилишларида қатнашгани учун 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Муддат 1937 йил 29 сентябрдан ҳисобланган.

Сулаймонов Шавкат – 1899 йили Бухоро шаҳрида туғилган. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг собиқ аъзоси, босмачилик тўдалари ташкилотчиси сифатида Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш олиб борганликда айбланган. Машгулотчи ноаниқ, ЎзССР ИИХК Бухоро секторининг 5573-сонли иш бўйича 10 йил меҳнат тазатув лагерига ҳукм қилинган. Муддат 1937 йил 16 сентябрдан ҳисобланган.

Мўминов Пўлат – 1900 йили Бухоро райони Азизобод қишлоғида туғилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси сифатида ЎзССР ИИХК Бухоро сектори 11762-сонли иш бўйича айбланган. Ҳибсга олинганга қадар район ер бўлими бошлиғи, Қизилтепа районидagi Искандаров раҳбарлигидаги аксилинқилобий гуруҳ аъзоси бўлган. Аксилинқилобий ташкилот аъзоларини қуриқлаш масалалари муҳокамасида яширин иштирок этиб, колхозларда ишни издан қиқарганликда айбланган ва 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Муддат 1937 йил 27 сентябрдан ҳисобланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,

Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

Тилагимиз

Ёруқликка севиниб, имтилиб чиқаётган Туркистон шунча илмий кишисизлигига қарамасдан келгусининг буюк умидлари учун бизни Оврўпога юборди. Чиндан-да, Туркистон чалаликни истамади. Бутунлиқни истади. Жуда яхши қилди. Биз аммо Оврўпода йилларча қолиб ўқуган замонимизда севики Туркистонимизга хизмат қилувдан маҳрум бўлб қолувни истамаймиз. Шу ерда турғон чоғимизда ҳам бу тўғрида тушунамиз. Бунинг учун кучимиз етканча тиришамиз. Буни биз ўйлаб чиқармадик. Ҳар бир миллатнинг олий мактаб болалари қарда бўлса бўлсунлар, илмий-ижтимоий йўлларда ўз миллатлари учун қолишадилар. Ўқув билангина қолмайдилар. Бизим ишимиз келгусида илмий ишдир. Шунинг учун ҳозирдан қўлимиздан келганча чала бўлса-да, кичик бўлса-да, арзимас бўлса-да, қиламиз. Узоқларга буюк умидлар билан юборган Туркистонимизга бу ҳаракатимиз кўрагимизда ётган хизмат туйғуларини кўрсатар умиддамиз.

Сулаймонга чумоли човутка оёғини тортуқ келтурганидек биз-да шу кичик жўнгни (журнал маъносиди – тах) улус оёғларига тўшантирамиз. Деймиз, бизнинг қўлимиздан келгани ҳозир шу бўлди, ярарлик бўлмаса-да, ўз болаларингизники. Олинг, бузуқларин тузатинг, камчиликларини тўлдиринг, кўмаклашинг.

“Кўмак” таҳририяти



Германияда тахсил олган туркистонлик талабалар.

Техника – инсон табиатда учратдиги, топдиги қувват ва моддалардан элнинг эҳтиёж ва ҳожатини ўташ, турмушни энгиллатиш учун риёзиёт, табиёт, механика фанларини негиз тутуб ясалган, қурилган, ишланган нарсалар, асбоблар ҳам ишлаш йўсуларини тўпига айтади.

Киши дунёга кучсиз заиф бир ҳолда келган. Ўзининг тўғарагида минут сайин ютордай даҳшат бериб турғон табиат ва турли душманларидан қондан сақланиш кира келган тушунган чорасини охтара бошлаган. Киши бу ҳоллар ичинда қўб довдирамаган. Ақли, фикри соясинда теграсиндаги топдиги тошлардан ўзининг эҳтиёжига тўғрилаб, ҳозирги бизнинг ишлатдигимиз асбоб қуроллари ўрнига ишлатиш мажбуриятида бўлган. Мана бу кишининг биринчи техникага бошлаб киришидир. Бунинг воситаси билан душманлар орасинда яшаб ўз уруғини кўпайта ва ёя олган.

Замоннинг ўтиши билан эҳтиёжнинг зўрайиши орқасида бурунги қуроллар ярқисиз ва ярамас бир ҳолга келганлар. Киши бу ярқисиз нарсалар билан табиатдаги буюк тортишиш курашида энгиллигини англади. Уларнинг ерига маъданлардан мукамалроқ қуроллар яшаш даражасига етишди. Табиатда тўғри кетирдиги қувват ва моддаларни ўз истагига бўйин эгдирди. Буларнинг воситаси билан содда қуроллар тўла ва мукамалтирилди.

Кишининг ўткир ақли, ўринли фикрлари, чарчамас вужуди соясинда техника тадриғий суратда олға босди. Айниқса, ҳозирги вақтда Оврўпо, Америкада техника шундай юксалганким, бизнинг тамонлиларни чексиз ҳайратда қолдирарлиқдир. Икки томони дархалтлар билан безаниб яшнаган, кенг озоқ кўчалари, ичига кирганда ўчмоқ сезгиларини берадирган парк, боғлари, соғлиқ сақлаш ўйин майдонлари, йўсулни, савлатли кўринишда мактаблар, дорилфунунлар, театрлар, кутуб ва қироатхоналар, музейлар, бинолар, улардаги кишининг эҳтиёжи учун ҳозирланган нарсалар улар соясинда келган натижалар элнинг тиричилишини, яшашини, билиминини ошириб тирикчиликни маданий йўлга қўйгандир. Тоғ каби фабрик- заводларда ишланиб

қиқариб турғон турли машиналар кишининг устидаги оқларни олди. Узилиш ва қийналишдан қутқарди. Булар орқали майда хунар ишлари юксалди. Кўк сари керилиб турғон юксак тоғлар бағридаги қийматли нарсалар осонлиқ билан олинди. У қаёнларда жавлон отиб турғон параҳўдлар, ер ости, ер юзи, ер тепаси электрик ва ўт арабалари ва учғучилар бутун ер юзиндаги элларни бир-бирлари билан алоқада бўлишга ҳам олиш-бериш ишларини юксалишига сабаб бўлди. Сув ва зирот машиналари саҳроларни боғларга айлантirdи. Деҳқончилик ишлари юксалди. Юқоридаги сайгонларимиз Оврўпо, Америкада тирикчилик йўлларини очгон техника орқасинда борлиққа чиқазилди. Бу унумли натижалар кун ботиш элини дунёда яшашга қизиқтирди. Шунинг учун бу йўлда белни маҳкамлаб тинмасдан тиришмақадир.

Энди биз бир айланиб ўзимизга ва бизнинг техникамизга қарасак, юрагимизни эзарлик бир ҳолда булғонилган кўрамиз. Маданий улусларнинг юксалишига сабабчилардан бўлган инженерлар, дўқтурлар, агрономлар, турли олий маълумотли иш кишилари ва майда қўл хунар усталари бизда йўқдир. Мана буларнинг натижасида юртимиз нообод, элимиз йўқсулдир.

Туркистон эли унумли тупроқлар, турли маъданли тоғлар, қийматли ўсимликлар, олтун баробарида турадирган ҳайвонлар ва бошқа турли табиий бойликлар билан бирга ҳар турли деярлик хунарларга эгадир. Нетаким: тўқувчилик, кунчилик, гиламчилик, маъданчилик, ипакчилик ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси йўсунсиз бир йўлда ишланадирлар. Табиий бойликларни йўлга қўйиш, хунарларни юксалтиш, замон – қолиплариға солиш ҳаракатлари бизда йўқдир. Хунарчиларимизнинг ишлаган ишлари, чиқозгон моллари мамлакатни бойитиш нарида турсун, боёқиш эгаларини қурсоқларини-да тўйғуза олмайдир. Шул сабабли кўб хунарчиларимиз ишларини

йиғиштириб чет кишилар фабрик, заводларида қорашчилик хизматини ўташга мажбур бўлган эдилар. Русияда ишлаб чиқозиш ишини тубанга кетиши, четдан нарсалар келтириш йўқлиғи қўл хунарчиларимизни яна бир оз қимирлатди.

Элимиз орасида бу кунгача ишлаганимиз элнинг руҳини кўтармади. Уни рози этмади. Озгина бўлса-да маданиятга мойил этдира олмади. Бунинг сабаби иш кишиларимизнинг йўқлиғида дейман. Қандай ишни бошлашсақ, қилсақ ундан эл кўзига бир натижалик нарса кўрсата олмадик. Тўғриси, ишлаб чиқара олмадик. Кўб жойларда театр ва мактаб бинолари солмоқ учун ақча тўлпанадир-да ўзимизда инженер – архитектулар ва бошқа иш кишилари йўқлиғидан йиғилган пуллар бўлмағур нарсаларга сарф бўлуб кетадир. Бу каби унумсиз ишларимиз саноксиз.

Бизнинг Туркистон халқи практикчилиги – амалиётчи халқдир. Кўб сўз бош оғиртар, қуруқ сўз қулоққа ёқмас, деб турғон эл қаршида канча унумсиз ишлар ишлашиб яна маддоҳликда давом этсак, эл шунча биздан, маданиятдан нари қочар.

Шунинг учун бизнинг Туркистонга Оврўпо техникаси билан қуроллангон кишиларни етқизиш лозимдир. Мана булар воситаси билангина ишланган ишларни, табиий бошлиқларни йўлга қўйулгонин, хунарларни юксалганин эл – ўз кўзи олдида кўргач англа, тушунар. Маданият сари ўзиндан ўзи оёқ босар. Оврўпонинг техника, хунарларинда олдинда бўлган Германияга бултур Бухоро ва Туркистондан талабалар келди. Буларнинг ҳаммаси деярлик олий техника, зирот ва хунар мактаблариға кирдилар. Туркистон, Бухоро, Хивада Оврўпога йил сайин ўқувчилар юбориб туриш ҳаракати борлигин кўрамиз. Мана булар яқин бир орада юртимизнинг унумли саҳифасини очилишиға умид ва имон кетиртирадир.

А.А.

ТУРК АДАБИЁТИДА ИДЕАЛИЗМ ВА РЕАЛИЗМ

Баъзи Оврўпо текширувчилар турк қавмларида инжалик сезгулари йўқ бўлуб, уларнинг таълирида нукулгана кирувчилик, ёвойилик бўлгонлигин даъво этар эдилар. Йигирманчи асрда турк қавмларининг адабиёт дунёсида ўз борлиқларини кўрсатувлари бу фикрнинг янглиш эканлигин сездирадир.

Адабиёт билагонлари: “бир миллатнинг адабиёти у миллатнинг руҳини қўрсататурган ойинасидир”, деюрлар.

Янги аср ўзгариш тўлқунлар соясинда турк қавмларида адабий асарлар ёзила, янги адабий оқим ва маслаклар туғула бошлади. Фарб, шарқ ва шимол туркларни шеваларида янги адабиёт вужуд-

га келди. Туркияда буюк адабий чехралар туғулди.

Чексиз кенгайиб кетмақда бўлгон турк қавмлари адабиёт боғчаларини кезиб чиқув узоқ замон ва кўб кучлар истайдир. Шундай бўлса-да адабий маслакларни танурға намуна бўларлик асарларни кўрсатиб ўтув мумкиндир. Ҳозирги аср адабиёт оламида идеализм (ғоячилик) ва реализм (ҳақиқатчилик) маслаклари катта рўл ўйнайдир. Кўбдан кўб бир адабий асар фалсафий ёхуд ижтимоий ёқдан текширилтурган бўлса, мана шу икки маслак кўзгаларини тақиб у асарга қарамоқға тўғри келадир.


Қафқазияли Хусайн Жовид афандининг усмонлича ёзилгон “Шайх Саънон” билан Фитрат афандининг чиғатой шеvasида афандининг чиғатой шеvasида ёзилгон “Ҳинд ихтилопчилари” фо-

жиши идеализм ва реализм йўллари билан ёзилгон асарлардир.

Хусайн Жовид афанди мислсиз идеалист бўлгани каби Фитрат афанди улўғ реалистдир. Жовид афанди драмасининг қахрамони Шайх Саънон Арабистондан Қафқазияга келганида ишга тутиладир-да, йилларча чўчка боқадир. Сўнгра маъшукаси Хумор билан тоғлар орасида севги йўлида жон берадир. Ҳинд ихтилопчиларининг қахрамони эса ватани кўйида ўзгарувчиликни қабул этуб Гангар тоғида мағоралар ичида яшаб ватан ёвлариға қарши урушадир, сўғишадир. Ҳозиргача ўқудигим драмалар орасида шу икки мунаввар асарга тенгларлик асар йўлиқмади. Балким ўқуғонлар бордир. Чоқиштируб кўрсинлар-чи!

Аҳмад ШУКУРИЙ

Чўлпон ўнг қулоғимга кирдикча кўзимга Шекспир руҳи кўринадир-да турадир. Шекспир лиризимаси билан Чўлпон шеърятини орасида нақадар айирма ахтарсам-да, ани тополмадим. “Уйғониш”ни неча тобқирлар ўқуб чиқдим. Шекспирни мутулаа этдим.



ЧЎЛПОН ЧЎЛПОНДИР

Энг сўнг: “Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир...” фикрига келдим. Чўлпон шеърлари Шекспир жўшқунлуғи билан тўладир. Чўлпон оқ кўнглилиги Шекспир саммийлиғидан ўтадир. Чўлпон бизда севги тангриси, сезгу яратувчидир. Чўлпон лирик, Чўлпон шoirдир. Чўлпон чўлпондир.

А.Ш.

“Кўмак”дан олинган манбаларни С.Каримова, Б.Нурмуҳаммад тайёрлади.

